



ПОСТДА

Қонунчилик ва ҳуқуқ-тартибот учун!

Газета 1930 йил 12 майдан
чиқа бошлаган

Ўзбекистон Республикаси ИИВ нашри • 2002 йил 17 октябрь, пайшанба • 42 (3466)-сон

Миробод деҳқон бозорига нафақат тошкентликлар, балки шаҳримиз меҳмонлари ҳам бажонидил ташриф буюришади. Бу ерда бободехқон етиштирган неъматларини сотишлари, маҳсулотларни сақлаш, транспорт воситаларининг келиши учун ҳамма шарт-шароит яратилган.

Мазкур ҳудудда хизмат кўрсатувчи катта профилактика инспектори, милиция катта лейтенанти О. Жўраевнинг одатдаги вазифалардан ташқари ўзига хос юмушлари ҳам бор.

— Ўғирлик, талончилик каби жиноятларнинг олдини олиш билан бирга, — дейди у, — савдо соҳасида белгиланган тартиб-қоидаларга риоя қилинишига алоҳида эътибор беришга тўғри келади. Сотувчилар тегишли рўхсатномаларга эга бўлиши,



ИСТЕЪМОЛЧИ МУҲОФАЗАСИ — ЭЪТИБОРДА

бошқа ёқдан келганлар Тошкентда яшаш қоидаларига риоя қилиши керак. Бундан ташқари, озик-овқат маҳсулотлари билан савдо қилувчилар албатта белгиланган муддатларда тиббий кўрикдан ўтганликлари ҳақида маълумотномага эга бўлишлари лозим.

Бозорга санитария милицияси вакили, муниципаль милициянинг икки нафар ходими бирктилган. Улардан ташқари катта профилактика

инспекторининг яна бир ёрдамчиси бор. Бу — маҳалла посбони Д. Қурбоновдир.

О. Жўраев ишни шундай ташкил қилганки, бозордаги ҳуқуқбузарликлар иссиғида очилади, турли келишмовчилигу тушунмовчиликлар ҳам ортиқча оворагарчиликсиз ҳал этилади.

Суратда: милиция катта лейтенанти О. Жўраев харидорлар билан мулоқотда.

А. ЗОЛОТАРЁВА олган сурат.

Халқаро алоқалар

ФРАНЦИЯЛИК ҲАМКАСБЛАР БИЛАН УЧРАШУВ

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигига Франция ИИВ штаби бошлиғи — халқаро техник полиция ҳамкорлиги хизматининг бош комиссари Дидье Мартен, Осиё минтақаси билан ҳамкорлик бўйича хизматнинг полиция офицери Патрик Сиод ва Франциянинг Ўзбекистондаги элчихонаси ҳузуридаги полиция атташеси Жильбер Галидан иборат делегация ташриф буюрди.

Франциялик ҳамкасбларни Ўзбекистон Республикаси ИИВ Ташкилий-инспекторлик бошқармаси бошлиғи, милиция полковниги А. Жўраев қабул қилиб, суҳбатлашди. Меҳмонларнинг илтимосига кўра, у республика ИИВнинг асосий фаолият йўналишлари, таркибий хусусиятлари, бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари билан ҳамкорлик тамойиллари ҳақида гапириб берди.

Ўзаро фикр алмашилгач, ҳар икки томон уюшган жиноятчилик, терроризмнинг турли кўринишлари, шунингдек бошқа турдаги жиноятларга қарши биргаликда курашишдан манфаатдор эканликларини изҳор этди. Бу масалаларда ўзаро муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан мувофиқлаштирувчи икки томонлама битимни тезроқ имзолаш зарурлиги таъкидланди. Икки мамлакат мутахассислари шу кунларда битимнинг айрим бандларини муҳокама қилиш билан банд.

Учрашувда республика ИИВ ЖК ва ТҚКББ бошқарма бошлиғи ўринбосари, милиция подполковниги Д. Бобононов ҳам иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Жазони ижро этиш Бош бошқармасида АҚШнинг Ўзбекистондаги элчиси жаноб Жон Хорбетни унинг илтимосига биноан республика Ички ишлар вазирининг ўринбосари, ички хизмат генерал-майори Р. Қодиров қабул қилди.

Элчининг сиёсий масалалар бўйича маслаҳатчиси Лори Боттс хоним иштирок этган учрашувда хусусан жиноят-ижроия тизими муассасаларида инсон ҳуқуқларига риоя қилиниши тўғрисида сўз юритилди.

Ўз мухбиримиз.

Хушёрликка даъват

ҲАМЖИҲАТЛИКДА ЕНГАМИЗ!

Хозирда оммавий ахборот воситалари орқали дунёнинг турли бурчакларида террорчилик ҳаракатлари содир бўлаётгани ҳақида хабар топаёلمиз. Хусусан, Индонезия ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимлари Балидаги террорчиликда қўлланилган портловчи модданинг таркибини аниқлашга муваффақ бўлишди. Бундан ташқари, полициячилар оролда қарийб икки юз кишининг ўлимига сабабчи бўлган бу кўпуровчиликка алоқадорликда гумон қилинаётган икки кишини сўроққа тутмоқда. "Сари" деб номланган тунги клубда ёнғин асоратлари орасидан терговга ёрдам бериши мумкин бўлган ашъвий далиллар изланмоқда. Мамлакатда АҚШ, Буюк Британия, Германия, Япония ва бошқа давлатлардан келган мутахассислар ҳам иш олиб боришмоқда. Инсониятга кулфат келтираётган ёвуз ниятли кимсалар аниқланиб, тегишли жазо олишларига шубҳа йўқ.

Индонезия ва Ер қурра-сининг бошқа жойларида рўй бераётган фожиалар бизга яна террор балосини эслатмоқда. Терроризмга қарши баҳамжихат курашиш лозим, деган гап яна бир бор ўз исботини топапти. Зеро, бу офат на чегара, на миллатни билади. У ҳаммага бирдек бало ёғдиради.

Шундай экан юртимизда яшаётган ҳар бир фуқаро хушёрликни янада ошириши, экстремизм ва терроризм таҳдидига шай туриши лозим. Мустақил Ватанимизда тотувлик, ҳамжихатлик, тинчлик ва хотиржамлик ҳукм сурсагина ёвуз кучларни мардонавор енгиш мумкин. Халқимиз бунга қодир ва мустақиллигимизни мустаҳкамлаш, Ватанимиз қудратини янада оширишга қаратилган хохиш-иродасини бирдамлик билан ифода этаверади. Бунга ишончим комил!

У. БОЗОРОВ,
фалсафа фанлари номзоди.

ОБУНА — 2003

АЗИЗ МУШТАРИЙЛАР!

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг "Поста", "На посту" газеталари ҳамда "Qalqon" ва "Ўқит" журналларига 2003 йилнинг биринчи ярми учун обуна давом этмоқда. Обуна "Матбуот тарқатувчи" ОТАЖ орқали ҳамда барча алоқа бўлимларида амалга оширилади.

Жиноят қидирув хизмати воқеалари, терговчи хотиралари, суд очеркларига қизиқсангиз, нашрларимизга обуна бўлинг. Газеталаримиз саҳифаларида мамлакатимиз ва дунё спорт янгилликлари, теледастурлар, мунажжимлар башорати билан ҳам мунтазам танишиб борасиз. Кроссворд, сканворд ишқибозлари учун алоҳида саҳифаларимиз бор. "Саломатлик", "Ниҳол" каби рухналаримиз остида бериладиган мақолалар сизни бефарқ қолдирмайди деб ўйлаймиз.

КЕЙИН АФСУСЛАНМАЙ ДЕСАНГИЗ, ГАЗЕТА ВА ЖУРНАЛЛАРИМИЗГА ОБУНА БЎЛИШГА ШОШИЛИНГ.



ИНДЕКСЛАРИМИЗ:

«ПОСТА» — 180 (366) «НА ПОСТУ» — 169 (367)
«QALQON» — 970 (1083) «ЎҚИТ» — 971 (1084)

UCHINCHI «Постда» gazetasing ilovasi

TANIQLI KISHILAR BILAN UCHRASHUV, HAJVIYA, XANDALAR, KROSSVORD, SKANVORD, MUNAJJIMLAR BASHORATI, HAYRATOMUZ VOQEALAR, SPORT YANGILIKLARI, INTERNET XABARLARI

TV O'LAM

Ислохотлар кўзгусида

Вилоят ички ишлар идоралари ходимлари жиноятчиликка қарши курашиш, унинг олдини олиш ва жамоат тартибини сақлашда барча ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари, фуқаролар йиғинлари, маҳалла оқсоқоллари, маҳалла посбонлари ва кенг жамоатчилик билан ҳамкорликда иш олиб боришяпти.

ИЗЛАНИШ —

Айтиш жоизки, сўнгги йилларда милиция ходимларининг олдиға қўйилган талаблар бир мунча ортди. Муҳтарам Президентимизнинг ташаббуси билан улар фаолиятини замон талаблари даражасида тақомиллаштириш, касб маҳорати ва жанговар тайёргарлигини оширишга қаратилган ислохотларнинг ҳаётга жорий этилаётгани эл осойишталигини таъминлашда бош омил бўлмоқда. Шунга кўра барча соҳаларда зарур ўзгаришлар қилинапти.

Бугунги кунда жойларда жиноят қидирув ва терроризмга қарши кураш, тергов, профилактика, патруль-пост, йўл-патруль, ёнғин хавфсизлиги ва бошқа хизматлар томонидан мувофиқлаштирилган фаолият йўлга қўйилди. Ана шундай тadbирларнинг самараси ўлароқ, вилоятда жиноятнинг сезиларли даражада камайишига эришдик. Ўта оғир

Маълумки, жиноят қидирув ва тергов хизматлари жиноятларни очиш ва айбдорларни аниқлашда асосий ўрин тутди. Кейинги пайтда содир этилган жиноятларнинг очилишида сезиларли натижаларга эришилди. Ўтган тўққиз ойда қотиллик, гиёҳвандлик моддаларини ноқонуний айланиши, ўғрилик каби жиноятларнинг деярли ҳам-

да қўлга тушишди. Мирзачўл туманилик А. Оразимбой 0,5 кило героинни сотиш учун яшириб қўйгани аниқланиб, далилий ашё билан қўлга олинди. Бунда ҳам маҳалла фаоллари, посбонларнинг ёрдамига таяндик.

Вилоятнинг чегара ҳудудларида барқарорликни сақлаш, диний экстремизм ва террорчилик ҳаракатларининг олдини олиш, фуқароларнинг оғоҳлиги ва ҳушёрлигини ошириш ҳам асосий вазифалардан бири ҳисоблана-



ти ходимлари билан бирга фаолият кўрсатишмоқда. Жиноятчиликнинг олдини олишда милиция таянч пунктларида фуқаро-

шиналар етишмайди. Яна бир томони, барча профилактика инспекторлари қўл рациялари билан таъминланса, тезкор алоқа йўлга қўйиларди.

Ходимларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш, уларнинг баракали меҳнатини рағбатлантириб бориш доимо диққат марказимизда. Негаки, ҳалол меҳнат қилаётган, бирон-бир жиноятни фош этган, ўз бурчини астойдил бажарётган ходимнинг хизматини муносиб тақдирлаш ҳуқуқ-тартибот самарадорлигини оширишда муҳим омил эканлиги ҳеч кимга сир эмас. Хизмати учун бир бор раҳмат эшитишнинг ўзи унинг ғайратига ғайрат, ишончига ишонч қўшади. Шу боис раҳбарият томонидан ўрнатилган кўрсаткичлар мунтазам рағбатлантириб борилмоқда.

Вилоят ички ишлар идораларида ходимларнинг вазифа ва бурчларини бажаришда ўзига хос анъаналар мавжуд. Илғор тажрибаларни қўллаш, янги услубларни ўзлаштириб, тақомиллаштириб бориш давом этапти.

И. МУРОДОВ,
вилоят ИИБ бошлиғи
вазифасини бажарувчи,
милиция полковниги.

ЮТУҚЛАР КАФОЛАТИ

жиноятлар тезкорлик билан фош этилди. Бир неча йиллар давомида пинҳона равишда талончилик йўли билан енгил машиналарни эгаллаб, сотиш билан шуғулланган уюшган жиноий гуруҳ фаолиятига чек қўйилди. Жиззах туманида яшовчи Аслидин Рустамов ҳамда унинг ўрт нафар жиноий шериги Жиззах ва Самарқанд вилоятлари ҳудудларида бешта қотиллик, ўғирлик, талончилик жиноятларини содир этиб келишгани аниқланди. Шунингдек, бошқа жиноятларни очишда тезкор ходимларимизнинг вилоят прокуратураси вакиллари билан ҳамкорлиги яхши самара бермоқда.

маси фош этилди. Бу борада хизматларнинг бири бири билан ҳамкорлиги, маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органлари, маҳалла посбонларининг яқиндан ёрдам беришяпти. Янгиобод туманида яшовчи К. Ҳусаннинг уйдан 1,2 кило героин топилди. Унинг ҳамқишлоғи Н. Мирзараҳимнинг уйдан эса 350 грамм героин чиқди. Оғуфурушларнинг яна уч шеригини топилди маҳалла посбонлари фаолият кўрсатдилар.

Зомин туманидаги "Небўса" қишлоғида яшовчи А. Бердак ва Н. Алимқул 1,2 кило гиёҳвандлик моддасини 1,2 миллион сўмга сотаётган-

ди. Шунинг билан олиб бу жойларда узлуксиз хизмат ташкил этилган.

Бу йил бошқарма қошида барча қулайликларга эга бўлган кинология маркази тўлиқ фаолият кўрсата бошлади. Айни пайтда кинолог-милиционерлар ўз маҳоратларини оширишяпти. Хизмат итлари портловчи моддалар, ўқотар қурол, гиёҳвандлик моддаларини излаб топилди ҳамда террорчилик ҳаракатларининг олдини олиш машқларида фаол иштирок этишяпти. Бу борада маълум мактабга эга бўлди, десак янглишмайман. Айни пайтда кинолог-милиционерлар шаҳар кўчалари, жамоат жойларида патруль-пост хизма-

лар йиғинлари вакиллари ҳамда профилактика инспекторлари узвий ҳамкорликда иш олиб боришларига жиддий эътибор қаратилган. Изланиш, интилиш, имконият топиш ва уларни хизматга татбиқ этиш орқали ютуқларга эришиш мумкин. Бу йўлда эса айрим қийинчилик, муаммолар ҳам кўндаланг бўлаётганини айтиб ўтиш жоиз. Вилоятимизнинг асосий қисми чўл ва тоғли ҳудудлардан иборат. Аҳоли сийрак туманларда айрим профилактика инспекторлари учун ажратилган ҳудудларнинг майдони 30-50 километрни ташкил этади. Милиция ходимлари ҳудудни айланиб келиши учун автома-

Ғаллаорол тумани ички ишлар бўлими ходимлари жиноятчилик, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, содир этилганларини тезда аниқлаб, айбдорларни қўлга олишда бор имкониятларни ишга солмоқдалар. Шу боис ҳам жиноятлар сони ўтган йилнинг шу даврига нисбатан сезиларли даражада камайди.

Суратда: (чапдан ўнғига) туман ИИБ профилактика инспектори, милиция майори А. Аҳмедов, терговчи, милиция майори Б. Умमतов, тезкор вакил, милиция капитани Б. Номозов ва профилактика инспектори, милиция катта лейтенанти А. Бўрибоевлар иш режасини муҳожама қилишяпти.

Б. БЕГИМҚУЛОВ олган сурат.



Чегара ҳудудларида

ҲУШЁРЛИК ҲУҚМ СУРМОҚДА

Яқинда чегара ҳудудларини айланиб юргандим Бахмал тоғ-ўрмон овчиси Турғун Тугалов пешинда бир эркак ва аёл арчазор томондаги қишлоққа ўтиб кетишганини айтди. Бу ҳақда дарҳол профилактика инспекторига хабар бердим. Орадан беш дақиқалар ўтиб, қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Ирисбой Саипов рация орқали уланди. Қишлоққа ташриф буюрганлар Жиззах шаҳридан бўлиб, совчиликка келишибди. Кўнглим таскин топиб, йўлда давом этдим.

Туманимиз Тожикистон билан чегарадош. Чегара мустаҳкам бўлса, юртда осойишталик ҳукм суради. Шу боис назоратни кучайтириш мақсадида аниқ режалар ишлаб чиққанмиз. Уларга кўра, қишлоқларда яшаётган аҳоли билан

алокани мустаҳкамлаш мақсадида учрашув ва суҳбатлар ўтказилаяпти. Тинчлик ва осойишталикни сақлаш, ҳар хил фарзандчилик кимсаларнинг юртимизга суқулиб киришига, йўл қўймастик, оғуфурушлар, диний-экстремистик кайфиятдаги кишиларнинг пайини қирқиш учун нималарга эътибор бериш кераклиги ҳақида маслаҳатлашдик. Қимматли фикрлар айтилди. Мулоҳазалардан келиб чиқиб ҳар бир қишлоққа оқсоқол тайинладик. У маҳалла, қишлоқ фуқаролар йиғинлари раисларидан фарқли ўлароқ жамоат тартибини сақлаш, фуқаролар хавфсизлигини таъминлашда масъул ҳисобланади. Маҳаллага бегона киши ораласа дарров хабар топиб, суриштиради. Зарур ҳолатда милицияга ёки қишлоқ фуқаролар йиғинига ха-

бар беради. Бундан ташқари аҳоли яшамайдиган, овлоқ жойлар ҳам назоратдан четда қолаётгани йўқ. Бу ишда бизга тоғбегилар, кўнгилли овчилар ёрдам беришяпти.

Чегара ҳудудларини назорат қилиш учун ходимларимиздан иборат отлик гуруҳлар ташкил этилган. Гуруҳ таркибида кинологлар ҳам бор.

Ҳудудларни назорат қилишда чегарачилар билан мустаҳкам алоқа ўрнатилганини ҳам айтиб ўтиш жоиз. Зарурат туғилса бир-биримизга кўмак бераётганимиз туфайли кейинги пайтда қонунбузарликлар деярли учрамаяпти. Бу жойларда ўнта милиция таянч пункти фаолият кўрсатмоқда. Ҳаммаси замонавий алоқа воситалари билан таъминланган.

Бир сўз билан айтганда, чегарада ҳамма ҳушёрлик ва сергаклик ҳукм сурмоқда.

А. ҲАСАНОВ,
Бахмал тумани ИИБ бошлиғи,
милиция майори.

ҚОЧИБ ҚУТУЛОЛМАДИ

Вақт алламаҳал бўлиб қолган. Жиззах тумани А. Навоий номли жамоа хўжалиги маркази бўйлаб бораётган М. Ҳамдамов тез келаётган машинани кўриб шошиб қолди. Четта қочиб улгуролмади... Кўзини очганда касалхонада ётарди.

Бу мудҳиш воқеадан хабар топган вилоят ИИБ раҳбарияти тергов-тезкор гуруҳига қўшимча ёрдам юборди. Йўл ҳаракати хавфсизлиги ходимлари тонгача ухлашмади. Барча йўллар, хўжаликдаги автомашиналар текширувдан ўтказилди. Ниҳоят жабрланувчининг маҳалладоши Ш. З. ўз автомашинасида уриб кетгани аниқланди. Йўл ҳаракати хавфсизлиги ходимлари қочоқни тутиб келишди.

Биз шундай кўнгилсиз воқеалар содир бўлмастлиги учун жойларда кенг қамровли тушунтириш ишлари олиб бораёпмиз. Шу боис йил бошидан бери вилоятда йўл-транспорт ҳодисалари ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 15 фоизга камайди. Айниқса болалар иштирокидаги ҳодисалар кам қайд этилаётгани кувончлидир. Ходимларимиз томонидан мактаблар, болалар боғчаларида йўл ҳаракати қоидалари ўргатилиб, йўл ҳаракати хавфсизлиги бўйича тушунтиришлар олиб борилаётганига қарамай, айнан болалар иштирокида кўнгилсиз ҳодисалар учраб турибди. Кўпинча болалар йўлнинг дуч келган жойидан кесиб ўтиб, автоҳалокат сабабчиси бўлиб қолмоқда.

Пахтакор шаҳридаги 15-мактаб ўқувчиси Ўқтам Луқмонов трактор тиркамасига осилиб, йиқилиб тушди. Оғир аҳволда касалхонага ётқизилади. Жиззах шаҳридаги 14-мактаб ўқувчиси Севара Юсупова йўлни белгиланмаган жойдан кесиб ўтаётганда ўртача тезликда келаётган "РАФ" русумли автомашина уриб юборди.

Йўл тасодифларга тўла, деймиз. Тасодиф эса ўзидан-ўзи келиб чиқмайди. Айниқса эътиборсизлик, лоқайдлик, шошмашошарлик туфайли автоҳалокатлар рўй беради. Вилоят йўл ҳаракати хавфсизлиги ходимлари бунинг олдини олиш учун бор имкониятларни ишга соляптилар.

А. ҚАЮМОВ,
милиция катта лейтенанти.

Ушбу саҳифа материалларини **С. ШАМСИДДИНОВ** ва **Б. БЕГИМҚУЛОВ**лар тайёрлашди.

ТАРБИЯВИЙ ИШЛАР ЖОНЛАНАДИ

Кашқадарё вилояти ИИБ жазони ижро этиш бошқармасида икки кунлик семинар-кенгаш бўлиб ўтди. Унда республика ИИБ жазони ижро этиш тизими муассасалари бошлиқларининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосарлари, руҳшунослар қатнашдилар.

Семинар-кенгашда Республика ИИБ ЖИЭББ бошлигининг ўринбосари, ички хизмат подполковниги С. Собиров иштирок этди ҳамда "Диний экстремизм йўналишидаги жиноятларни содир этган маҳкумлар билан тарбиявий ишларни ташкил этишнинг моҳияти", вилоят ИИБ бошлигининг ўринбосари, ички хизмат полковниги С. Исломов "ЖИЭБ муассасаларида қонунчиликка риоя қилиш ва жиноятчиликнинг олдини олиш ишларини ташкиллаштириш" мавзуларида маърузалар қилдилар. Шундан сўнг йиғилганлар маърузалар юзасидан фикр-мулоҳазалар билдиришди.

Семинар қатнашчилари ички хизмат подполковниги С. Қаландаров бошчилик қилаётган муассасада бўлиб, жазо муддатини ўтаётган маҳкумларнинг ҳаёти, олиб борилаётган тарбиявий ишлар билан яқиндан танишдилар.

Тадбир чоғида Қарши Давлат университетининг профессор ва ўқитувчилари шахсининг руҳий жиҳатларини ўрганиш, жамоада соғлом муҳитни яратишда руҳшуносларнинг вазифалари хусусида суҳбат уюштирилди.

С. АМИНОВА.

ЎБРАТЛИ ТАДБИРЛАР

Ички ишлар идоралари ходимларининг маънавияти, маданиятини ошириш борасида амалга оширилаётган хайрли ишлардан кўзланган мақсад уларни жамиятнинг энг илғор фикрли, маданиятли кишилари сифатида тарбиялашдир.

МАЪРИФАТ ДАРСИ

Республика Ички ишлар вазирлиги ҳузуридаги Қўриқлаш бирлашмасига қарашли милиция майори М. Пирматов бошчилик қилаётган бўлинма шахсий таркиби ҳар бир маърифат дарсига кўзга кўринган олимлар, санъат арбоблари ва бошқа таниқли инсонларни таклиф қилиши аънаёнага айланган. Республика "Киночилар уйи"да ташкил этилган наватдаги тадбирга халқимизнинг сеvimли санъаткори Х. Шарипов, Ўзбекистон халқ шоири Н. Нарзуллаевлар таклиф этилганди. Яқинда ўтказилган машғулот эса "Ўзбек футболининг кечаси, бугуни ва келажаги"га бағишланди. Унда М. Қосимов, А. Имомхўжаевлар иштирок этдилар.

С. САИДОВ,
милиция майори.

МИЛИЦИОНЕР НОМИДАГИ КЎЧА

Сариосиё ва Узун туманлари чегара ҳудудини бузиб, қабиҳ ниятда юртимизга қадам қўйган террорчилар билан бўлган аёвсиз жангларда ўнлаб йигитларимиз қахрамонлик намуналарини кўрсатиб, ҳалок бўлдилар. Бугунги кунда уларнинг номини абадийлаштириш учун қилинаётган сўй-ҳаракатлар давом этмоқда.

Термиз шаҳридаги Раёно Узоқова номли маҳалла оқсоқоли, истеъфодаги милиция капитани Қуллубой Алиев ҳам марҳум, ички ишлар ходимлари олдида ўзини қарздор деб билади. Ана шу ҳиссиёт унга анчадан буюн тинчлик бермай келарди. Шу боис ҳаётлигида Термиз шаҳар ИИБ қўриқлаш бўлинмасида ишлаган милиция кичик сержанти Акбар Эсонов номини маҳалланинг Гулистон кўчасига қўйиш ташаббуси билан чиқди. Маҳалла аҳли, шаҳар ҳокимлиги ушбу ташаббусни маъқуллади.

Яқинда шу муносабат билан тантанали маросим бўлиб ўтди. Унда Акбаржон таълим олган Х. Олимжон номли мактаб ўқитувчилари, ўқувчилар, кўшни маҳалла фаоллари, кексалар ва ёшлар иштирок этдилар. Марҳум милиционернинг ўқитувчиси Тўхтаҳон опа Халилова, кўшни "Меҳрибод" маҳалласи оқсоқоли Абдулла Шералиевлар сўзга чиқиб, Акбар Эсоновнинг мардлиги ва бошқа фазилатларини тилга олишди. Шундан сўнг қарияларнинг дуоси билан кўчага Акбар Эсонов номи берилиб, хонадонлар пештоқига пешлавҳалар ўрнатилди.

С. НОРМУРОДОВ,
милиция майори.

Хизматларда

БУХОРОДА ОСОЙИШТАЛИК

Бухоро вилояти ИИБ патруль-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш бошқармаси ходимлари ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва унга қарши курашишда бутун куч ва имкониятларини ишга солаётирлар. Бу хизматга бақувват, чақон, жасур ва билимдон йигитлар танлаб олинди. Уларнинг жанговар тайёргарлиги ва касб маҳоратини ошириб бориш мақсадида бўлинмалар учун алоҳида хоналар ажратилиб, жиҳозланди. Ходимларга қўл жанги ва фаол ҳимоя воситалари мукамал ўргатилмоқда. Бўлинма ҳамда бошқар-

ма учун ажратилган бино қайта таъмирланди. Отиш машғулоти учун алоҳида хоналар, ошхона, дам олиш, ювиниш хоналари, сауна қурилиб, ишга туширилди. Бўлинма ходимларидан иборат автопатруллар ўттиз йўналиш бўйича кечакундуз хизмат қилмоқдалар. Улар ўз иш фаолиятини профилактика инспекторлари, маҳалла оқсоқоллари ва посбонлари, йўл-патруль хизмати ходимлари фаолияти билан мувофиқлаштирган ҳолда ташкил этишган. Натижалар чакки эмас: жамоат тартибини сақлаш, ҳуқуқбузарликларнинг ол-

дини олиш ишлари тўғри йўлга қўйилгани ва ходимларнинг фидойилиги боис вилоятда ҳамма турдаги жиноятлар сезиларли даражада камайди.

Вилоятда тинчлик ва осойишталик ҳукм суришида бўлинма сардори, милиция подполковниги А. Ғиёсов раҳбарлигидаги У. Чориев, Ш. Шарипов, Х. Ортиқов, Б. Болтаев каби кўплаб милиционерларнинг ҳиссаси бор. Ана шундай фидойи ходимларимиздан бири, милиция сержанти Сиддиқ Назаров ҳукуматимиз томонидан "Жасорат" медали билан тақдирланди.

Бошқарма раҳбарияти хизмат фаолиятини янада такомиллаштириш учун барча имкониятларни ишга солмоқда.

Э. ШОДМОНОВ,
милиция подполковниги.



Ўлкамизда куз...

А. ТУРАЕВ олган сурат-лавҳа.

Элга хизмат — олий хизмат

МУЛК ҲИМОЯСИ — МУҚАДДАС

Бозор иқтисодиёти шароитида фуқароларнинг мулкка, мулкчиликка бўлган муносабатлари тубдан ўзгарди. Бу ўз навбатида ички ишлар идоралари олдида қўйилган вазифаларнинг қўламини ошишига олиб келди. Шундан келиб чиққан ҳолда қўриқлаш хизмати сифат жиҳатидан йилдан-йилга ўзгариб бормоқда. Айни кунларда уни янада такомиллаштириш, қўриқланаётган давлат ва хусусий мулкларни ишончли тарзда қўриқлашни таъминлаш борасида бир қатор ижобий ишлар амалга оширилмоқда.

Андижон мамлакатимиз иқтисодиётида катта аҳамиятга молик ишлаб чиқариш корхоналари кўп бўлган саноат шаҳридир. Бугунги кунда шаҳар ИИБ ҳузуридаги қўриқлаш бўлинмининг куч ва воситалари томонидан кўпгина турли мулкчилик шаклидаги объектлар ва хонадонлар қўриқланмоқда.

Жорий йилнинг ўтган даврида қўриқланаётган объектлар ҳамда шахсий хонадонларда ўғирлик ҳолатлари юз бермади. Ходимларимизнинг ўз хизмат вазифаларига виждонан ёндошганликлари боис халқимиз томонидан яратилган ва сақланаётган товар-моддий бойликларини талон-торож қилмоқчи бўлган 383 нафар шахс ушланиб, улардан олинган маҳсулотлар мулк эгаларига қайтарилди. Ушланган 41 нафар шахсга нисбатан жарима солинди.

Кейинги вақтларда кўплаб фуқароларимиз тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиб, катта даромад манбаига эга бўлмоқдалар. Бундай ҳамюртларимизнинг кўпайиши жамиятга катта наф келтиради. Уларнинг хонадонлари, хусусий корхоналарини ишончли тарзда қўриқлашни бўлимимиз ўз зиммасига олиб, турли ўғирлик ва талон-торожликлардан ҳимоя қилмоқдалар. Кўплаб ҳамшаҳарларимиз хизмат сафарига ёки оилавий дам олишга кетаётганларида "уйга қараб туришни кимга тайинласам экан?" — деб ўйланиб қоладилар. Биз бундай ҳамюртларимизга ўзимизнинг беиминат хизматимизни таклиф этамиз.

Ҳозирда фуқароларнинг хонадонларини марказлаштирилган масканлар орқали қўриқлаш тури бу борада энг ишончли ва иқтисодий жиҳатдан қулайдир. Йил давомида марказий қўриқлаш масканларига уланган хонадонларда, халқ хўжалиги объектларида ўғирликка йўл қўймайлик, мабодо содир этилса, изи босилмасдан фош қилиш чораларини кўрамиз.

М. ҚОДИРОВ,
милиция подполковниги.

Болаликда ҳаммамиз ҳам ўйинқароқ бўлганмиз. Кўча-кўйда, баъзан катта йўл бўйларида ўтказганимиз ёдимда. Ўшанда катталардан койиш-дашномлар эшитганимиз ҳам эсимда. Бугунги болаларнинг ҳаракат қайнаб турган катта кўча бўйида қувлашмачоқ ўйнаётгани ёки ҳеч бир хатарни ўйламай автомобиль йўлининг дуч келган жойидан югуриб ўтишларини кўзатарканман беихтиёр юрагим орқага тортади.

Кошки эди, уларнинг ўйлаб-ўйламай босган ҳар қадами фалокатдан йироқ бўлса! Кошки эди, шўхликларини, қувноқ ўйинлари охири бахайр бўлса! Хавотирга берилишим бежиз эмас. Шу йил 31 август куни Навоий шаҳри Спортчилар кўчаси 10-уй қаршида П. Собиров ўз бошқарувидаги "Тико" русумли автомашинада йўлнинг пиёдалар учун белгиланмаган қисмидан тўсатдан югуриб чиққан 4 ёшли Шохруҳни уриб юборди. Натижада вояга етмаган бола оғир тан жароҳати олиб, касалхонага ётқизилди.

Яна бир мисол. Навоий тумани Жолойир ширкат хўжалигида истиқомат қилувчи Н. Мамадалиев ўз бошқаруви-

Йўл қоидаси — умр фойдаси

БЕПАРВО БЎЛМАНГ...

даги трактор билан 1996 йил туғилган Дониёр ва 1994 йилда туғилган Дадахонни уриб юборди. Йўл-транспорт ҳодисаси туфайли тан жароҳати олган Дадахон оғир аҳволда шифохонага ётқизилди. Дониёр эса касалхонада ҳануз бери. Бу аянчли ҳолатни ҳар қанча таҳлил қилмайлик, воқеа айбдорларини, сабабларини излашга уринмайлик, бевақт оламдан ўтган норасида гўдакни ҳаётга қайтариб бўлмайди. Аммо фалокат содир бўлмаслиги ҳам мумкин эди-ку, деган ҳақли савол туғилиши табиий. Шу ўринда аксарият ҳолларда болаларнинг йўл фалокатига йўлиқишига аввало ота-онани айблагим келади. Негаки, ҳали вояга етмаган, баъзида боғча ёшидаги болани қаровсиз қолдириш, бепарволик турли нохуш ҳолатларга сабаб бўлмоқда.

Рақамлар шуни кўрсатадики, йўл ҳаракати хавфсизлиги ходимлари кўнгилсиз ҳодисаларнинг олдини олиш мақсадида бир қатор тадбирлар ўтказишди. Аммо шунга қарамасдан шаҳримиз кўчаларида шу йилнинг ўтган

даврида бевосита болалар билан боғлиқ 9 та йўл-транспорт ҳодисаси юз берди. Оқибатда 33 нафар бола турли кўринишда тан жароҳати олган бўлса, 6 нафари бевақт вафот этган. Бу рақамлар ортида қанчалаб тақдирлар, инсон ҳаёти турганлигини ҳис этиш қийин эмас. Энг ачинарлиси, йўл фалокатидан сўнг бир умрга майиб-мажруҳ бўлиб қолган бола-қайнинг армонли нигоҳи ёки дилбандидан бевақт айрилган ота-онанинг аламли фарёди-га чидаб бўлмайди. Бу фалокатларнинг олдини олиш ўзимизга, аввало фарзанд тарбияси учун бевосита масъул бўлган ота-она, қолаверса, мактаб жамоатчилигига ҳам бевосита боғлиқ. Болаларнинг онг-шуурига йўл қоидасини чуқур сингдириш, унга амал қилиш кўникмаларини шакллантириш лозим. Кундан-кун йўлларда транспорт қатнови кенгайиб, ҳаракат тизлашиб бораётган ҳозирги вақтда бу жуда зарур.

А. НОРМУРОДОВ,
милиция катта лейтенанти.

ХАВФСИЗЛИККА МАСЪУЛМИЗ

Йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ходимлари пахта йиғим-теримида одатдагидек фаол иштирок этмоқдалар. Мавсум олдида вилоятдаги барча йиғим-терим техникалари, транспорт воситалари текширувдан ўтказилди. Биринчи галда ҳашарчиларни ташийдиган автобуслар ҳолати назоратга олиниб, далага олиб чиқадиган транспорт воситаларининг рисоладагидек бўлишига аҳамият берилди.

Айни йиғим-терим авжига чиққан паллада ходимларимиз жойларда текширув ва назорат ишларини кучайтиришяпти. Ҳар бир терим агрегати, пахта ташишга жалб этилган трактор, тиркамалар, пахта ортиш транспортларининг ҳолатига эътибор беряпмиз. Носоз, нуқсонли бўлган тракторлар, машиналар ҳаракатланганда йўл-транспорт ҳодисаси рўй бериши мумкинлигини ҳисобга олиб, йўлларда назоратни кучайтирганмиз. Ходимларимиз томонидан қоидабузарликлар аниқланяпти.

Оққўрғон туманидаги "Хонқа" ширкат хўжалиги тракторчиси У. Қурбонов "МТЗ - 80" русумли, шу туманнинг "Маданият" ширкат хўжалиги тракторчиси Р. Қўшдавлатов "Т28х4" русумли тракторнинг тиркамасида ҳашарчиларни далага олиб кетаётганда тўхтатилиб, маъмурий чора кўрилди.

Куйичирчиқ туманидаги "Ўзбекистон беш йиллиги" тажриба хўжалиги тракторчиси Р. Хидиралиев "МТЗ-80" русумли тракторни, шу хўжалик ҳайдовчиси М. Кенжаев "УАЗ-469" русумли автомашинани маст ҳолда бошқараётгани аниқланиб, тегишли чора кўрилди. Пискент туманидаги Охунбобоев номи ширкат хўжалиги тракторчиси А. Салоҳиддинов ўзига бириктирилган "Т28х4" русумли тракторни давлат белгисиз ва ёритиш чирокларисиз йўлда бемалол бошқариб кетаётганда ушланди.

Умуман мавсум бошидан бери ходимларимиз ўн бир мингга яқин турли хилдаги қоидабузарликларни аниқлашди. Шундан деяр-

ли ярми ҳайдовчилар томонидан йўл қўйилган қўпол қоидабузарликлардир. Шунингдек, ҳайдовчиларнинг маст ҳолда рулга ўтириши, транспортда одам ташиш қоидаларининг бузилиши ва бошқа қоидабузарликлар ҳам кўпга учраяпти. Ходимдаримиз пахтакорлар ҳузурда бўлиб, дала шийпонларида теримчи, механизатор, ҳайдовчилар билан йўл ҳаракати хавфсизлиги бўйича суҳбатлар ўтказишяпти. Автомашина, трактор ва бошқа техника воситаларининг носоз ҳолатда ишга чиқишига йўл қўйган мутасадди ва раҳбар ходимларга нисбатан тегишли чоралар кўриляпти.

Қимматбаҳо хом ашёни илиқиссиқ кунларда йиғиштириб олиб, фармлаб олиш учун жадал ҳаракатлар кетаётган шу кунларда йўл ҳаракати хавфсизлиги ходимлари, турли хил авто-мото-транспорт ҳодисалари рўй беришининг олдини олиш учун бор имкониятларни ишга солаверадилар.

А. ҲАМИДУЛЛАЕВ,
Тошкент вилояти ИИБ ЙХХБ бошлиғи, милиция полковниги.

Пахта — 2002

Сурхондарё вилояти деҳқонлари ўз меҳнатлари самарасидан баҳраманд бўлиш мақсадида пахтазорни мардлар майдонида айлантиришмоқда. Пахта йиғим-теримида ички ишлар бошқармасининг ходимлари ҳам фаол қатнашмоқдалар.

Вилоят ИИБ раҳбарияти мавсум олдида "Пахта-2002" штаби ҳамда махсус гуруҳ тузиб, қилинажак вазибаларни белгилаб олган эди. Шунга кўра ЙХХБ ходимлари йиғим-теримда иштирок этадиган транспорт воситаларининг созлик ҳолати, Ёнғин хавфсизлиги бошқармаси ходимлари эса пахта заводлари, қабул пунктлари, хирмонлар, шунингдек теримчилар, ҳашарчилар истиқомат қиладиган жойларда ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилинишини назоратдан ўтказдилар. Аниқланган камчиликлар юзасидан мута-



сади раҳбарларга тегишли кўрсатмалар берилди.

Айни кунларда ички ишлар ходимлари ҳосилни нест-нобуд қилмай йиғиштириб олиш, хом ашёни турли йўллар билан исроф қилинишига йўл қўймасликка ҳаракат қилишяпти. Утган бир ойдан ортиқ вақт ичида пахтазорни пайхон қилиш бўйича 86 та ҳолат аниқланди. Пахта ва кўсакни еб юрган 142 та мол ушланди, уларнинг 20 таси қишлоқ фуқаролар йиғинлари ҳамда туман ҳокимликлари қарорига биноан сўйилиб, гўшти кам таъминланган оилалар, мавсу-

мий боғча ва яслиларга тарқатилди. Аниқланган ҳолатлар бўйича 1,71 га майдонга етказилган зарар 373693 сўмни ташкил этди.

Мавсумда 6642 та трактор ва 106 та юк автомобили етиштирилган ҳосилни ташиб олишга жалб этилган. Ўтказилган текширувларда шулардан 380 таси техник носоз эканлиги аниқланди. 687 нафар ҳайдовчи, 25 нафар масъул раҳбарлар маъмурий жавобгарлик-

етказган. А. Раҳмоновга 4500 сўм жарима белгиланди.

Сариосиё тумани "Тиргарон" маҳалласи фуқароси Азамат Холлов ҳали пишиб етилмаган кўсакни юлиб, "чорвачилигини ривожлантирмоқчи" бўлган. Унинг бу ҳатти-ҳаракати тегишли тартибда жазоланди.

Шуни қайд қилиш керакки, айрим қишлоқ фуқаролар йиғинлари раислари "одамгарчилик" қилиб,

ПАХТАЗОР ЯЙЛОВ ЭМАС

ка тортилди. Жиҳозланмаган юк автомашиналари ва трактор тиркамаларида теримчиларни ташиш бўйича 443 та баённома тузилди. Пахтазорларга моллар қўйиб юборилишига йўл қўйган фуқаролардан 268365 сўм жарима ундириб олинди.

Пахта халқимизнинг миллий бойлиги, уни етиштириш учун деҳқон қанчалар машаққат чекишини айримлар тушуниб етмаётган кўринади. Акс ҳолда молларини пахтазорга қўйиб юбориш билан ҳосилнинг пайхон қилинишига йўл қўймаган бўлардилар. Далилларга мувожаат қилайлик:

Музработ тумани С. Сатторов ширкат хўжалигида яшовчи Байнахол Акрамовнинг 4 бош қорамоли пудратчи Соатмурод Исаева қарашли 0,11 га майдондаги ҳосилни пайхон қилиб, 17000 сўм зарар етказган. Туман ҳокимининг қарорига кўра Б. Акрамовнинг 2 бош қорамоли сўйилиб, кам таъминланган оилаларга тарқатилди.

Шеробод тумани У. Туропов ширкат хўжалиги 7-бўлим 12-бригадаси бошлиғи Абдусамат Раҳмонов пахта етиштириш машаққатларини яхши билади. Афсуски, била туриб эътиборсизлик қилган. Унинг бир бош қорамоли ҳосилни исроф қилиб, 3800 сўм зарар

айбдорларга нисбатан енгил жарима белгилаш билан кифояланмаётган. Жарима ҳатто етказилган зарар миқдорича ҳам бўлма-япти. Масалан, Денов тумани "Навбахор" маҳалласида яшовчи Эшкул Ибрагимовнинг бир бош қорамоли 0,02 гектар майдондаги ҳосилни нобуд қилиб хўжаликка 4964 сўм зарар етказган. "Тортувли" қишлоқ фуқаролар йиғини эса унга 4535 сўм жарима солган. Хўш, давлат ҳисобига бундай ҳотамтоқлик қилишнинг боиси нимада?

Ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари пахта ни транспортда ташиш, қуриштириш, сақлаш, қайта ишлаш чоғида тилсиз ёв туфайли исроф бўлишнинг олдини олишга жиддий эътибор беришяпти. Олиб борилган текширувларда пахта ни ёнғиндан сақлаш қоидаларига амал қилмаганлиги учун 212 нафар киши маъмурий жавобгарликка тортилди. Улардан 653230 сўм жарима ундириб олинди.

Вилоятда мавсумни ҳар томонлама намунали ўтказиш, исрофгарчиликка йўл қўймаслик юзасидан назорат қатъий олиб борилма-веради. Бу фақат ички ишлар ходимлари эмас, балки ҳар бир фуқаро, хўжалик, фермер хўжаликлари раҳбарлари, пудратчилар, мавсумда қатнашаётган катта-ю кичикнинг вазифаси бўлмоғи зарур.

И. ҚАЛҚОНОВ,
Сурхондарё вилояти ИИБ бошлиғининг ўринбосари, милиция полковниги.

Турмуш чорраҳаларида

«КАМ БЕРСА ҲАМ ҒАМ БЕРМАСИН...»

Якшанба куни профилактика инспектори билан хонадонларда яшовчи анчагина фуқароларнинг паспорт ва уй китобларини кўздан кечирдик. Охирида маҳалланинг энг четдаги кўримсиз кичик ҳовлида бизни бир хушбичим аёл қарши олди.

Ўзимизни таништириб, ташрифимиз мақсадини маълум қилдик. Ичкарида икки-уч ёшлардаги бола тўшақда ётарди. Унинг кўри-ниши галати эди. Инспектор ҳужжатларни кўздан кечириб, уй соҳибасига қайтариб берди.

Лейтенант босиқлик билан сўз қотди:

— Кечирасиз, опажон. Кеча мактабда ота-оналар мажлисида иштирок этдим. Жияним билан ўғлингиз бир синфда ўқийди. Негадир Умиджон бир ҳафтадан бери ўқишга бормаётган экан.

— Бир оз тобим қочиб, ётиб қолувдим. У акасига қаради.

— Акасига?..

— Ҳайрон бўлаяпсизми?

Ҳа, анави ётган унинг акаси. Жуссаси кичик бўлгани билан у ўн беш ёшга кирган, турма ногирон.



Аёл хўнграб йиғлаб юборди. Инспектор уни тинчлантиришга уринди. Аёл тинчлангач, бизни яқин тутдимиз. Ёки юраги тўлиб турган

эканми, дардини тўкиб солди:

— Оилада икки фарзандмиз. Акамнинг яқин дўстига кўнгил берган эдим. У хунар-техника билим юрти-

ни битиргач, 1983 йилда ҳарбийга чақирилди. Хизматни Афғонистонда ўтади. Хат ёзишиб турдик. Унинг қайтишини интизорлик билан кутдим. Ниҳоят, у ҳарбийдан қайтди. Фақат... унинг ўн қўли йўқ эди. Ота-онам мени ногирон йигитга узатишдан бош тортишди. Амакимнинг ўғлига унаштиришди. Уларнинг раъйига қарши чиқолмадим.

Уч йил фарзанд кўрмадик.

Шу давр худди уч асрдек ўтди. Қайнонам кўзимни очиргани кўймасди:

— Шум қадам! Зотинга ўт тушсин сени! Амакиннинг ўлди-кетди, лекин хонадонимга ўзининг уругини тиқиштириб кетди.

Худодан фарзанд сўраб, кечалари нола қилардим. Эрим эса бефарқ. Чунки у гиёҳвандликка муккасидан кетганди.

Ниҳоят ҳомиладор бўлдим. Дунёга келажак боламнинг туғилишини кунмакун санардим. Бола дунёга келди. Ўғил эди. Аммо... чақалокни кўриб, кўрқиб кетдим. У бошқа гўдакларга ўхшамас, галати эди. Билсам, ногирон экан. Шифокорларнинг таъкидлашича, эримнинг гиёҳвандлиги, қолаверса, эр-хотин яқин қариндошлигимиз учун шундай бўлибди.

Онасининг гапига қилиб, эрим:

— Сендан соғлом фарзанд туғилмайди, йўқол, тас-

қарангни ҳам олиб кет, — деб уйдан ҳайдаб юборди. Боламни олиб кўча-кўйда саргардон бўлдим. Бироқ жонимга ўша, ёшлиқда илк бор кўнгил берганим, афғон заминдан ногирон бўлиб қайтган йигит оро кирди. У менга мана шу бошпанани топиб берди. Кейинчалик у билан турмуш кўрдик. Орадан тўққиз ой ўтиб, фарзанд кўрдик, Яратганга ҳамду санолар бўлсинки, ўғлимиз бекаму кўст, соғлом туғилди. Яхши ният билан унга Умид деб исм қўйдик. Яқинда Умиджон ўн ёшга қадам қўйди.

Мендан соғлом фарзанд туғилганидан хабардор бўлган собиқ эрим тез-тез бизни безовта қиладиган бўлди... Ушанда Умиджон уч яшар эди. Кечки пайт отаси уни болалар боғчасидан олиб қайтаётган пайтда, "дори"дан роса торган собиқ эримга дуч келади. Соғлом фарзандимизга ҳасад қилиб, у бир қўли йўқ инсонни аёв-

сиз калтаклайди, бошига тош билан уради. Оқибатда Умиджоннинг отаси бир неча кун касалхонада ётиб, ўзига келмай оламдан ўтди. Қотил эса қамалиб кетди.

Яна бева қолдим. Рўзгоримдан барака учди. Чунки Умиджоннинг отаси ҳам етимликда вояга етганди. Менга ёрдам қўлини чўздиган одам йўқ. Раҳматли онам табиатан чиройли эдилар. Мен ҳам у кишига ўхшайман. Шу сабаб айрим эркаклар мени ўзларига маъшуқа бўлишга чорладилар. Баъзи енгил табиатли аёллар эса пул топиш мақсадида зинога даъват этишди. Мен эса Оллоҳнинг қаҳрига учрашдан кўрқдим, шайтон йўлига кирмадим. Ҳаётимни фарзандларимга бахш этишга аҳд қилдим. Ҳозир почтада ишлаяпман. Ўтаётган ҳар бир ёруғ кунга шукр қиламан. Майли, кам берса ҳам, ғам бермасин экан...

Аёл изтиробли дил изҳорини тугатди. Орага сукунат чўкди. Бир оздан сўнг унга сабр-тоқат тилаб, хайрлашдик.

А. ҒУЛОМОВ,
милиция майори.

UCHINCHI «Pocinga» gazetasining ilovasi

TANIQLI KISHILAR BILAN UCHRASHUV, HAJVIYA, XANDALAR, KROSSVORD, SKANVORD, MUNAJJIMLAR BASHORATI, HAYRATOMUZ VOQEALAR, SPORT YANGILIKLARI, INTERNET XABARLARI



Йилномаларда ва ибодатхоналарда битилган китобларда ғойибдан кўриш хислатига эга бўлган авлиёлар ҳақида кўплаб ҳикоятлар зикр этилган. Бир куни авлиё Сергей Радонежский биродарлари билан таом тановул қилиб ўтирарди. Тўсатдан ўрнидан туриб, ён томонига бурилиб таъзим қилди ва:

– Сен ҳам шодлан, Исо умматларининг йўлбошчиси, сенга ҳам Оллоҳнинг марҳамати ёр бўлсин! – деди.

Дастурхон атрофидагилар ҳайрон бўлиб нима гаплигини сўрашди.

– Ҳозир ибодатхонамиздан саккиз қақирим нарида Перм епископи Стефан тўхтади. У

Серафим ота бошини деҳқоннинг бошига қўйиб пича сукут сақлади, сўнг деди:

– Лом-мим демасдан фалон қишлоққа жўна. Унга киришинг билан ўннга бурил. Тўрт ховлидан ўтгач, даричани кўрасан. Ундан ичкари кир. Охир ёнида боғлаб қўйилган отингни еч. Бир оғиз ҳам сўз демай уни миниб яна изинга қайтавер.

Деҳқон ҳақиқатан ҳам ўша жойга, бориб отини топди.

1833 йилда ўз хужрасида Серафим Саровский оламдан ўтганида, ундан юз қақирим узоқда бўлган қаландар Филарет бу ҳақда атрофидаги мурид биродарларига маълум қилди.

Бир гал шоҳ Иван Грозний берган зиёфатда девона Васи-

Швед файласуфи Эмануэль Сведенборг (1688-1772) номи билан боғлиқ бир неча воқеани эътиборингизга ҳавола қилмоқчимиз. Кант Шарлота фон Кноблохга йўллаган мактубида шундай ёзади: "... Шанба куни тушдан сўнг соат тўртларда Сведенборг Англиядан Готенбургга келди. Жаноб Уильям Кастел бошқалар қатори уни ҳам уйига таклиф қилди. Ўн беш киши тўпланишди. Соат кечки олтиларга яқин Сведенборг ташқарига чиқиб қайтиб меҳмонхонага кирганида рангида қон қолмаганди. У ҳаяжонланиб Стокгольмда, Зюден туманида ёнгин чиққани, аланга тез бошқа ҳудудларга ўтаётганини айтди. (Готенбург Стокгольмдан

чопари ва хат ташувчиси келди. Улар ёнгина гувоҳ бўлишган экан. Ҳар иккисининг ҳикояси вақти, тафсилотлари бўйича Сведенборгнинг ҳикояси билан тўла мос тушарди.

1762 йили Амстердамда бўлганида суҳбат чоғида бирдан Сведенборгнинг юзи оқариб кетди. У гапдан тўхтаб қолди. Орадан пича вақт ўтиб, бир оз ўзига келгач, ҳамсуҳбатларининг саволларига:



ойининг оддий кунларидан бирида уйга жуда чарчаб келдим. Ўшанда шаҳар марказидан анча олисда турардим. Ишга пиёда бориб келардим. Эсимда, ошхонадаги оромкурсига ўтирдим. Дарров кўзим илинибди. Туш ҳам кўрибман. Аммо воқеалари худди ўнгимдагидай. Эримдан телеграмма олган эмишман. Унда: "Бугун Свердловска кетяпман. Фронтга жўнаёпмиз. Сени ўпиб қоламан. Юрий", – деб ёзилган экан. Тезда уйғондим. Ҳамма ёқни қараб чиқдим. Аммо ҳеч қанақа телеграмма йўқ эди. Овқат ҳам емасдан шаҳар халқ маорифи бўлимига йўл олдим. Мудир Леонид Ципинга учраб, эрим фронтга кетаётгани, ундан телеграмма олганини айтдим. Хизмат сафари гувоҳномаси беришини сўрадим. Биринчи поезд билан Свердловска йўл олдим. У ерда қизим эри билан яшарди. Унқига бориб, кўрган тушимни айтдим. Шадринскакига чипта олдим. Энди бекатга чиқамиз деб отланиб турувдик эшикни кимдир дўмбира қилиб чертди. Қизим югуриб бориб эшикни очса, остонада отаси турарди. Унинг оғзидан чиққан биринчи гап шу бўлди: "Онанг шу ердами?"

"Шу ерда!" – жавоб берди қизим Рита.

"Ўзим ҳам билувдим!" – деди эрим. Айтишича, у менга ҳақиқатан ҳам шу мазмунда телеграмма ёзган экан. Фақат ҳар томонини ўйлаб, улгуриб этиб келолмас керак деб охири жўнатмабди. Шундай қилиб, мен жўнатилмаган телеграммани "олган" эканман. Эрим жўнайдиган эшелон Свердловскада икки соат турди. Менга эса умр йўлдошимни фронтга кузатиб қўйиш насиб этди...

С. АГЕНСОВА.

Баъзиларнинг фикрича, Бузоқ масофадан туриб "кўриш" юксак маънавий ривожланган инсонларгагина хос хусусият. Одамзод насли маънан камол топган сайин бундай фазилатлилар кўпаяверар экан.

Бошқаларнинг назарида бу одамнинг табиий ибтидоси билан боғлиқ қобилиятдир. Инсон ижтимоийлашган сайин ундаги мантикий фикрлаш ва ақлий қобилият кучайиб, ғойибдан кўриш хусусиятини сиқиб чиқараётган эмиш. Яна ким билсин...

Хориж матбуоти материаллари асосида тайёрланди.

ҒОЙИБДАН КўРА ОЛАДИГАН

ОДАМЛАР

Москвага кетаётган эди, – изох берди авлиё Сергей. – У Муқаддас Троица (учлик)га таъзим бажо келтириб, "Сенга Оллоҳнинг саломи бўлсин!" деди. Мен ҳам унга жавоб бердим.

Бир неча роҳиб ўша жойга шошилди. Улар Стефан Пермскийга етиб олишди. Епископ Сергей отанинг айтганларини сўзма-сўз тасдиқлади.

Куликово жанги бораётган соатларда Сергей Радонежский биродарлари билан черковда ибодат қила бошлади. Вақти-вақти билан у ибодатини тўхтатиб атрофидагиларга жанг қандай кетаётгани, кимлар ҳалок бўлганини хабар қиларди. Шу заҳоти обидлар (ибодат қилувчилар) унга эргашиб марҳумлар ҳақида дуо ўқишади. Ниҳоят у "Биз галаба қозондик!" дея хитоб қилди.

Агар ғойибдан кўриш қобилияти соҳиблари хоқисорлик юзасидан бу хислатларини яширишмаганида, бундай ҳикоятлар бизгача янаям кўпроқ етиб келган бўларди, албатта.

Серафим Саровский бандликни бажо келтиргач, унинг столи устидан конверти очилмаган бир даста хат ва уларга ёзилган жавобларни топишди. Шундагина қаландарнинг бу ноёб хусусиятидан хабардор бўлишди.

Кунлардан бир кун Серафим Саровскийнинг олдида шу яқин атрофда яшовчи деҳқон арз қилиб келиб қолди:

– Отахон, отимни ўғирлаб кетишди! Мен отсиз энди қандай кун кўраман? Сенга кўрмаган воқеаларинг ҳам аён бўларкан, менга ёрдам бер, – деди.

лий Блаженный ўзини ғалати тутди. У шаҳаншоҳ узатган қадахларни уч марта полга сеппиб юборди. Шоҳнинг ғазабли кичкириғига:

– Мен Новгороддаги ёнгини ўчиряпман, – деб телба-тескари жавоб қайтарди.

Унинг бундай алмойи-алжойи сўзлари замирида кўпинча тўғри чиқадиган башоратлар ётишини анчадан буён кўпчилик биларди. Шу заҳоти Новгородга чопар юборилди. У бир неча кундан сўнг қайтиб келиб (оралик шунча йўл эди), ҳақиқатан худди ўша кунни ўша соатда Новгородда ёнгин юз бергани, шаҳарнинг салкам ярми куйиб кул бўлганини тасдиқлади.

Бундай ғойибдан кўриш қобилияти бошқа динларга эътиқод қилувчи руҳонийларга ҳам хос бўлган. Жумладан, шаманларга ҳам. Сибирлик шаман биров ҳақида: "У ўттиз қақирим наридан кўра олади", – деса, бу сўзлар ўша кишида шаманлик истеъдоди борлигини англатган. Эскимос шаманга шогирд тушмоқчи бўлса, унинг хузурига кириб маросим одати бўйича: "Мен кўришини истаганим учун олдинга келдим!" дер экан.

Баъзан бу қобилият ҳеч қутилмаганда оддий одамларда ҳам намоён бўлиши мумкин экан. Аникроғи, унчалик ҳам қутилмаганда эмасу, фақат унинг юзага чиқиш қонуниятлари биз одатланган қоидалар доирасидан четга чиқиб кетади.

50 немис мили ёки уч юз инглиз мили узоқликда жойлашган!) Сведенборг ўзини кўярга жой тополмас: дам ташқарига чиқар, дам ичкарига кирарди. Шу орада у бир дўстининг уйи куйиб кул бўлганини, ўзининг



уйи ҳам хавф остидалигини айтди. Соат саккизларга яқин яна меҳмонхонага қайтиб кираркан, бу сафар кувонч билан хитоб қилди: "Худога шукр! Ёнгини менинг уйимга етишига уч йўлак қолганда ўчиришди". Унинг ҳикояси бутун шаҳарда шов-шув бўлиб кетди. Айниқса, ўзи иштирок этган зиёфатда. Шу кунлик губернаторни ҳам хабардор қилишди. Яқшанба куни эрталаб Сведенборг губернатор хузурига таклиф қилинди. Файласуф унга ёнгин қандай бошлангани, қанча давом этгани, қандай ўчирилганини батафсил айтиб берди.

Бир неча кундан сўнг шаҳарга қиролнинг

– Шу сонияда рус императори Пётр III оламдан ўтди, – дея жавоб берди.

Ҳақиқатан ҳам, орадан ҳеч қанча вақт ўтмай газеталар буни тасдиқлашди. Рус императори шу куни, шу соатда ўлдирилган эди.

"Узоқдан кўриш", инсайт – ғойибдан аён бўлиш кўпинча фожиали, ҳаяжонли ҳолатларда юзага чиқади. Инглиз файласуфи Фрэнсис Бэконда ҳам бу ҳолат рўй берган. 1578 йили Лондондан Парижга кетаётганида олимга отасининг вафот этгани кўққисдан аён бўлди.

Тахминларга кўра, ҳамма одам ҳам "бевосита билиш", яъни бизга маълум сезги аъзолари иштирокисиз ахборот олиш қобилиятига эга. Парацельс (1493-1541) куйидагиларни ёзганда балки айнан шуни назарда тутгандир: "Инсон ўзидан минглаб миль узоқликдаги дўстлари, улар тушган ҳолатларни кўриш қувватига эга".

Тарихда асосан пайғамбарлар, авлиёлар, руҳонийлар, машҳур олимлар, ижодкорлар бундай истеъдодга эга бўлгани ҳақида ёзиб қолдирилган. Аммо яхшилаб излаб кўрилса, биз ўйлаганчалик маънавий-руҳий камол топмаган оддий одамлар орасида ҳам бундай хусусиятга эга кишилар топилади. Айримларда бу хислат ҳаётида бор-йўғи бир марта намоён бўлиб, кейин бутунлай йўқолиши мумкин. Бунга мисол тариқасида машҳур руҳшунос Л. Васильев олган ва китобига киритган куйидаги хатни келтириш мумкин: "Мен сизга ишониш қийин бўлган, ўз бошимдан келчирган бир воқеани ҳикоя қилиб бераман. 1942 йил кузида эрим Шадринскадаги сиёсий ходимлар ўқийдиган ҳарбий мактабда таҳсил кўраётган эди. Уни кейинги йил май ойида фронтга жўнатишларини билардим.

Ўзим шаҳар бошлангич ва ўрта мактаблар уюшмасида раис бўлиб ишлардим. Март



Курама

ДОКТОР «ПИВО»

Чехияда оила қурган эркакларнинг энг яқин дўсти кимлигини биласизми? Жаноб Доктор Земек! Чунки айнан у пиво артериал склероздек хавфли касалликни бошланғич даврида йўққа чиқаради ва жинсий заифликнинг олдини олади, шунинг учун ҳам оила қурган эркакларга кони фойда, дея бутун Чехияга жар солди. Пан Земек ўз ихтиросини лаборатория шароитидаги ҳисоб-китоблар, мисоллар, илмий асослар орқали тасдиқлади. Бу ҳақда матбуот ҳамда телевидениеда чиқишлар қилди. Кўриниб турибдики, Чехияда бу далил илмий асосланган. Агар кимдир бошқача фикр юритса, демек у оми одам.

Энди мамлакатдаги аҳволни бир тасаввур қилиб кўринг!

Эр уйга ғирт маст ҳолда келиб хотинига; “Пан Земекнинг маслаҳатларига амал қиялман. Азизам, мен фақат касалликнинг олдини олиш учун ичдим, холос”, — деса кифоя. Хуллас, чехиялик аёллар танг аҳволда қолишди. Энди эр истаган вақтида, хотинидан сўраб ҳам ўтирмай пивохонага йўл олиши мумкин. Баҳона ҳам тайёр: бориб бир оз даволаниб келмасам бўлмайди...

Табиийки, чехиялик аёлларга бу ихтиро умуман ёқмайпти. Жаноб докторни Прагадаги шифохонаси ёнида бир нечта аёл кутиб туриб, устига икки челақ Пльзен пивосини ағдаришди. Бунга жавобан доктор: “Пивони бунчалар беҳуда сарф қилганларни ҳеч қачон



кўрмаган эдим”, — деди. Аёллар бўлса, агар доктор “ақлини йиғиб олмаса” ва эрларини оила бағрига қайтармаса уни ўлдиришга ҳам тайёр эканликларини айтишди. Жаноб Земек матбуот орқали ўз ихтиросига “кичкинагина” тузатиш киришига мажбур бўлди: “Пиво меърида, кунига 2 кружкадан ичилган тақдирдагина жинсий заифликнинг олдини олади”.

Эркакларнинг ҳафсаласи пир бўлди. Аёллар бўлса ғалабани нишонлашмоқда.

СОХТА ЧАҚИРУВ

Оффенбах шаҳри полиция маҳкамасига ташвишли хабар тушди. Бир аёл телефон орқали кўшнисиникида қотиллик содир этилаётгани ҳақида маълум қилди. Унинг сўзларига қараганда 76 ёшли кўшнининг уйдан одамни даҳшатга солувчи бақирик-чақириклар эшитилаётган эди.

Бу охири ярим соат ичидаги бешинчи хабар эди. Воқеа жойига тезкор гуруҳ юборилди. Полиция бошлиғи кейинчалик шундай деди: “Шаҳримизда 1945 йилдан буён жиноят содир этилмаган. Йигитларни бу топшириққа юбормоқчи эмасдим. Лекин мавжуд қондаларга амал қилишим лозим эди”.

Шундай қилиб, тезкор гуруҳ аъзолари кўрсатилган манзилга етиб келишди. Уйнинг эшигини бузиб отилиб ичкарига киришдию манзарани кўриб қотиб қолишди. Ҳеч ким бировни ўлдирмаётган, ёки қийнамаётганди. Бир гуруҳ пенсионерлар кўшиқ айтишни машқ қилаётган эканлар, холос.

Полициячилар кечирим сўраш ва хонадондаги бузилган эшикни таъмирлаш учун чилангар ҳамда дурадгорни юборишга мажбур бўлишди.

БУЗОҚНИНГ ЮГУРГАНИ...

Дастлабки икки кун анча қийинчиликлар билан ўтади. Сешанба-чоршанба кунлар тўғри қарор қабул қилиб, ўзингизни анча ишончли сезасиз. Таваккал иш юритишдан асло чўчиманг. Фаолиятингизни такомиллаштириш ҳаётингизга мазмун бахш этади.

ҚОВБА (21 январь - 19 февраль)

Мазкур ҳафта кўтаринки руҳда ўтади ва турли воқеаларга бой бўлади. Дастлабки кунлар фаоллик сезилади, омад кулиб боқиши ҳам эҳтимолдан холи эмас. Ҳафтанинг ўртасига бориб муаммоларни ҳал этиш билан машғул бўласиз. Сўнгги кунлар эса қувончли янгиликлар ва ажойиб мулоқотлар кутилмоқда. Қўзда тутилмаган сафарларга боришингиз эҳтимолдан холи эмас.

БАЛИҚ (20 февраль - 20 март)

Бажараётган ишингиз ва расмий ҳужжатлар билан боғлиқ нохуш хабар эшитасиз. Саломатлигингиз бир оз панд бериши мумкин. Шу бонс пайшанба кунгача ҳордиқ чиқариб, қийин ишларга қўл урмаганингиз маъқул. Жума кун кутилатган айрим алоқалардан кўнглингиз қўтарилади. Якшанба кун бажараётган ишингизда катта ўзгаришлар юзага келиши эҳтимоли бор.

ТАРОЗИ (24 сентябрь - 23 октябрь)

Ушбу ҳафта амалий жиҳатдан сермахсулдор. Янги танишлар орттириб, фойдали алоқалар ўрнатишга муваффақ бўласиз. Айрим Тарозиларнинг лавозими ошиши эҳтимолдан холи эмас. Молиявий масалаларни ҳал этишда нобарқарорлик сезилади. Дам олиш кунлари миянгиингиз янги ғоялар чулғаб олиб, ҳаётга муҳаббатингиз ортади.

ЧАЁН (24 октябрь - 22 ноябрь)

Етти кун мобайнида ёқимли туйғулар оғушида бўласиз. Пинҳона орзуларингиз рўёбга чиқа бошлайди. Воқеалар ривожини тезлатмаганингиз маъқул. Атрофингиздаги одамларнинг гашига тегадиган ишлар қилмасликни маслаҳат берамиз. Кўнглингиз ёлғиз қолишни тусайди. Гарткам ўйинларга берилманг. Ҳафтанинг охирига бориб хушхабар эшитасиз.

ЁЙ (23 ноябрь - 21 декабрь)

Ушбу ҳафтада ўзингиз хоҳламаган юмушлар билан шуғулланишингизга тўғри келади. Дўстларингиздан бирортаси ёрдам сўраб мурожаат қилиши ва ишхонада юзага келган вазият вақтни иккинчи даражали ишларга сарфлашингизга олиб келади. Дўстлар қуршовида бўлиб, қийин ҳолатлардан улар кўмагида чиқишингиз мумкин. Ҳафтанинг бошида белгиланган вазифаларга анча куч-қувват сарфлайсиз, сўнгги кунларда эса аксинча, музокаралар юритиш орқали бажарасиз.

ТОҒ ЭЧКИСИ (22 декабрь - 20 январь)

Дастлабки икки кун анча қийинчиликлар билан ўтади. Сешанба-чоршанба кунлар тўғри қарор қабул қилиб, ўзингизни анча ишончли сезасиз. Таваккал иш юритишдан асло чўчиманг. Фаолиятингизни такомиллаштириш ҳаётингизга мазмун бахш этади.

ҚОВБА (21 январь - 19 февраль)

Мазкур ҳафта кўтаринки руҳда ўтади ва турли воқеаларга бой бўлади. Дастлабки кунлар фаоллик сезилади, омад кулиб боқиши ҳам эҳтимолдан холи эмас. Ҳафтанинг ўртасига бориб муаммоларни ҳал этиш билан машғул бўласиз. Сўнгги кунлар эса қувончли янгиликлар ва ажойиб мулоқотлар кутилмоқда. Қўзда тутилмаган сафарларга боришингиз эҳтимолдан холи эмас.

БАЛИҚ (20 февраль - 20 март)

Бажараётган ишингиз ва расмий ҳужжатлар билан боғлиқ нохуш хабар эшитасиз. Саломатлигингиз бир оз панд бериши мумкин. Шу бонс пайшанба кунгача ҳордиқ чиқариб, қийин ишларга қўл урмаганингиз маъқул. Жума кун кутилатган айрим алоқалардан кўнглингиз қўтарилади. Якшанба кун бажараётган ишингизда катта ўзгаришлар юзага келиши эҳтимоли бор.

СПОРТ+ФУТБОЛ



Жанубий Кореянинг Пусан шаҳрида ўтказилган XIV Осиё ўйинлари ниҳоясига етди. Унда юртимизнинг 214 нафар вакили спортнинг 24 тури бўйича иштирок этди.

масофага ўтказилган беллашувда рақибларини доғда қолдирди. Шунингдек, аёллар ўртасида мазкур масофа бўйича ўтказилган баҳсда Т. Левина, А. Москалёва, Ю. Борзова ва Н. Пишулинадан иборат тўртлимиз марра чизигини биринчи бўлиб кесиб ўтди.

Ўзбекистон терма жамоаси газнасига энг кўп олтин медални боксчилар тўхфа этди. Пусанга борган ўнча чарм кўлқоп устасидан олти нафари финалга чиқди. Дилшод Маҳмудов, Ўткир Ҳайдаров, Икром Бердиев, Сергей Михайлов, Рустам Саидовлар юксак маҳорат намойиш қилиб, давлатимиз мадҳияси яна беш марта янграшани таъминлашди. Бехзод Хидиров иккинчи ўрин билан кифояланди.

Спортнинг дзюдо, академик эшак эшиш, юнон-рум кураши, енгил атлетика, оғир атлетика, каратэ каби турларида қатнашган вакилларимиз мусобақанинг кумуш медалларига сазовор бўлишди.

Осиё ўйинларида учинчи марта қатнашган ўзбекистонлик спортчилар 15 олтин, 12 кумуш ва 24 бронза — жами 51 медаль жамғариб, қирқдан зиёд мамлакат орасида бешинчи ўринни эгаллади.

Ҳамюртларимиз Осиё чемпионатида кўлга киритаётган медаллар сони ва сифатини ошириб бормоқда. 1998 йили Таиланд пойтахти Бангкокда ўтган Осиё ўйинларида ўзбекистонлик спортчилар 6 олтин, 22 кумуш ва 12 бронза медалга сазовор бўлганини инобатга олсак, бу галги ўйинлардаги медаллар сони янада кўпайди.

Энди кейинги Осиё ўйинлари яна тўрт йилдан сўнг Қатарда ташкил этилади. Шуниси қувонарлики, XV Осиё ўйинлари давомида ўтказиладиган спорт турлари қаторидан халқимиз ифтихори бўлган кураш ҳам жой олган. Насиб қилса, Қатарда спортчиларимиз ўзини кўрсатади, ғалабаларимиз салмоғи бундан-да юксак бўлади.

ПУСАНДАН ЁРУҒ ЮЗ БИЛАН ҚАЙТИШДИ

Осиё ўйинларидаги дастлабки зафарли одимни велоспортчи Сергей Крушевский бошлаб берди. Қизиги шундаки, у Ўзбекистон жамо-

эгаллади. Эркин кураш усталари Дилшод Мансуров ва Артур Таймазов ҳам ўз вазн тоифасида гиламга чиққан полвонлар ичида тенгсиз



аси ҳисобига илк медаль — бронзани келтирган бўлса, биринчи олтин медалнинг ҳам муаллифи айнан С. Крушевский бўлди.

Пусандаги мусобақаларда гимнастикачимиз Оксана Чусовитина ҳам ҳавас қилгулик натижаларга эришди. У терма жамоамизга тўртта медаль тақдим этди.

Юнон-рум кураши беллашувларида юртимиз спорт шарафини ҳимоя қилган полвонлар орасида Алексей Чеглаков ўз вазни бўйича барча рақиблари курагини ерга текказиб, биринчи ўринни

эканликларини яна бир бор исботлашди.

Равиль Начаев 50 метр масофага эркин усулда сузиш мусобақасида барча рақибларидан ўзиб кетди.

Ўзбекистонлик теннис маликаси Ирода Тўлаганова Осиёнинг энг кучли ракетка усталаридан бири эканини намойиш этди. У теннис мусобақасининг финалида ғалаба қозониб, шохсупага кўтарилди.

Байдарка ва каноэда эшак эшувчиларимиз ҳам Жанубий Кореядан олтин медалсиз қайтишмади. Мусобақаларда А. Ряхов байдаркада 500 метр



САФАРДАГИ ҒАЛАБА ВА МАҒЛУБИЯТ

Осиё футбол конфедерацияси (ОФК) ташаббуси билан жорий йилдан эътиборан ўтказилаётган китъа чемпионлар лигаси баҳсларида юртимиз спорт шарафини Фарғонанинг "Нефтчи" ва Тошкентнинг "Пахтакор" жамоалари ҳимоя қилмоқда.

Ўтган йили мамлакат чемпионлигини кўлга киритган фарғоналиклар беллашувларни учинчи босқичдан бошлашди. "Нефтчи" ўзининг биринчи учрашувини Қирғизистоннинг "Жаштик" жамоасини енгиб, кейинги босқичга йўлланма олган "Аҳли Сана" (Яман) клубига қарши ўтказди.

Фарғоналиклар меҳмонда тўп суришига қарамай кучли ўйин намойиш этишди. Учрашувнинг еттинчи дақиқасидаёқ Сергей Ни ўз жамоасини олдинга олиб чиқди. Йигирманчи дақиқа ҳам меҳмонларга омад келтирди. "Нефтчи" ҳужумчиси Анвар Бердиев мезбонлар дарвозасини иккинчи бор аниқ нишонга олди. Яманликлар иккинчи бўлимда ҳисобни қисқартиришга муваффақ бўлишди.

Хуллас, "Нефтчи" Ямандаги ғалабадан кейин тўртинчи босқич масаласини деярли ҳал қилиб қўйди. Энди Юрий Саркисян шогирдлари яманликларни 23 октябрь куни Фарғонада қабул қилади. "Пахтакор"ни эса 25 октябрь куни Тошкентда бўладиган учрашувда кичик ҳисобдаги ғалаба ҳам қаноатлантиради.



БЕКХЭМ МУХЛИСЛАР НИГОҲИДА

Англиялик машҳур футболчи Дэвид Бекхэм соч турмаклаш борасида ўзига яраша диди билан ажралиб туради. У шу йили Жанубий Корея ва Япония майдонларида ўтказилган жаҳон чемпионатида сочини "ирокез" усулида олдириб, "хўроз"га ўхшаб қолганди. Энди Д. Бекхэм ўсган сочини орқага тараб, ободок тақиб юрадиган бўлди.


Айрим гап-сўзларга қараганда, футболчининг "ирокез" усулидан воз кечишига мактаб ўқувчилари мажбур қилишган. Гап шундаки, сочларини сеvimли футболчилари сингари "турмаклаган" болалар мактабдан четлатилаётган экан.

Илгари Дэвид Бекхэмнинг сочи ўртача узунликда бўлиб, ҳеч қандай жиҳати билан бошқаларникидан ажралиб турмасди. Бироқ, бир кун у майдонга сочини таг-туғи билан олдириб тушди. Жаҳон чемпионатида антиқа ҳолатда келди. Энди эса янги усулдаги турмак... У қачонгача Бекхэмни безаб туришини ҳеч ким айтолмас керак.

УЕФА ИРҚЧИЛИККА ҚАРШИ

УЕФА футболдаги ирқчиликка қарши курашиш мақсадида ўнча банддан иборат ўзига хос режа ишлаб чиқди. Унга кўра китъа клублари ирқчиликка йўл қўяётган футболчиларни жазолаши лозим. Бундан ташқари, мавсумий чипталарни сотаётганда харидорлардан тилхат олиш ҳам режалаштирилган.

УЕФАнинг тартиб-назорат комиссияси экспертлари Югославия, Испания ва Голландия мухлисларининг инглиз жамоалари футболчиларига нисбатан ирқий камситиш ишлатилган тўртта ҳодисани кўриб чиқди. Англия терма жамоаси ва "Ньюкасл" футболчиси Кирон Дайер агар бундай ҳол такрорланар-верса, қора танли чарм тўп усталари бойкот эълон қилиб, майдонга тушмаслиги мумкинлигини ҳам билдирди.



Икки оғайни учрашиб қолишди.
 - Кўринмайсан? - сўради бири.
 - Кеча болаларни ҳайвонот боғига олиб борган эдим.
 - Хўш, қайси ҳайвонларни кўрдинглар?
 - Баҳайбат йўлбарсни кўрдик. Териси йўл-йўл, қозик тишлари бор экан. Нуқул қафас ичида у ёқдан бу ёққа бориб келади. "Пирр" этиб овоз чиқаради.
 - Гапни олиб қочма. Мен ҳам йўлбарсни кўрганман. У ўкиради, "Р-р-р!" дейди.
 - Тўғри, оғзидан шунақа овоз чиқаради...

Полициячилар ҳарбий хизматдан яшириниб юрганларни уйма-уй қидириб юришибди. Бир қария асабийлашиб деди:
 - Мени қазноққа бекитиб қўйинглари!
 - Сиз намунча кўрқасиз, бобо! - кулишди неваралари. - Сиздан шу ёшингизда қанақа аскар чиқарди.
 - Нима, армияга генераллар керак эмасми?!

Хўранда:
 - Менинг шўрвада пашша нима қиляпти?
 Официант (тикилиб туриб):
 - Заҳарланиб нобуд бўлган, шекилли.

- Дада, оёқли олмалар ҳам бўладими?
 - Йўқ.
 - Унақада мен бақани паққос туширибман, шекилли...

- Қойилман-е! - дея мақтанди бир йигит дўстига. - Ҳайвонлар мени жуда ҳам яхши кўришади. Кучук, мушук - ҳаммаси келиб, қўлимни ялай бошлайди.
 - Шундайми?! - деди дўсти унга жавобан. - Агар овқатни қошиқ билан оғанингда бунақа ҳурматта сазовор бўлмас эдинг.

Ярим кечаси телефон жиринглади. Уй эгаси кўзини зўрға очиб, гўшакни кўтарди:
 - Алло! Нима? Ким?
 - Ҳа ўртоқ, сенинг ҳам уйқинг келмаяптими?

ГАЗЕТАМИЗНИНГ ЎТГАН СЕНИДА БЕРИЛГАН СКАНВОРДНИНГ ЖАВОБЛАРИ.

Қоя. Қайиқ. Акция. Цилинд. Ипак. Пи. Ток. «Нола». Орол. Оқ. Ҳикоят. Ой. Рур. Рисола. Асбоб. Рад. Оят. Трап. Забардаст. Кун. Оху. Сир. Марс. Дарвоза. Дарслик. Сада. Ўн. Амал. Лама. Ўқ. Қалб. Лондон. Насаф. «Наво». Ол. Он. Асос. Ўлан. Дара. Арно. Ўра. Трамвай. Саф. Йўлланма. До. Март. Барно. «Уфқ».

«Милиция оқсоқоллари» ТАҢЛОВИГО

Олтин куз фасллар ичида сахийлиги билан ажралиб туради. Бу пайтда далалар ва боғларда ноз-неъматлар гарқ пишиб етилади. Ана шундай фарахбахш кунларнинг бирида олтиариқлик косиб Абдулла аканинг хонадониди кўзлари мунчоқдек ўгил дунёга келди. Унга яхши ният билан Тилла деган исм қўйдилар.

Хонадон соҳибаси Розия опа болалар яслисида тарбиячи, мактабда ўқитувчи бўлиб ишларди. Камтарин бу аёлни тумандаги каттаю-кичик хурмат қилар, ҳамма иззатини жойига қўярди. Тўксон йил умр кўриб дунёдан ўтган онахон ўзидаги олижаноб фазилатларни фарзандига сингирди. Камол топиб, еттинчи синфни битирган Тилла Қўқон нефть техникумига ўқишга кирди. У ўн тўққиз ёшга тўлганда уруш бошланиб қолди.

1941 йилнинг охирида Ватан ҳимоясига отланган бир гуруҳ йигитларни Ички ишлар халқ комиссарлиги Тошкент мактабининг олти ойлик курсига йўллашди. Улар орасида Тилла Абдуллаев ҳам бор эди. Ўқишни битиргач, у давлат хавфсизлиги лейтенанти унвони билан Сталинград фронтга жўнаб кетди. Бу ерда 116-Сибирь ўқчилар дивизиясида хизмат қила бошлади.

Махсус бўлимда разведкачи бўлиб фаолият кўрсатган Тилла Абдуллаев жанговар топшириқларни аёло даражада уддалар, қандон бўлиб қолган фронтдош дўстларидан ажралишни сира истамас эди. Хатто бирда яраланганда госпиталда тўлиқ даволанмай чиқиб келган кунлар ҳам бўлди.

Тилла Абдуллаев хиз-

ўқи қолмаган экан. Шунда душман унга ханжар билан ҳамла қилди. Аммо олтиариқлик шоввоз уни отиб ўлдиришга муваффақ бўлди.

– Деворда осиглик турган ханжарни кўраясизларми? – дейди Тилла ака ушбу воқеани жон қулоғи билан тинглаётган меҳмонларга. – У ана шу олишувдан ёдгорлик.

циясини бошқарди. Кейинчалик Фарғона шаҳар ИИБ бошлиғи этиб тайинланди.

Урушдан кейинги оғир дамлар. Очлик азоби, юпунлик, бунинг устига тобора “болалаётган” жиноятлардан одамлар безиллаб қолган. Лекин ҳар қанча қийин бўлмасин, собиқ фронтчи зиммасидаги вазифаларни



Тилла ака Иштихон туманига борди. Тумanning биринчи раҳбари билан суҳбатлашганда гап шу воқеага тақалди.

– Бундан хабарим бор, – деди суҳбатдоши. – Бизда қоровул бўлиб ишлайдиган киши яқинда Навоийдаги ресторанда икки нафар қуролланган кишини кўрганини айтди.

Шу суҳбатдан сўнг Тилла Абдуллаев қоровул билан суҳбатлашди. У жиноятчиларнинг юз кўринишини эслаб қолган экан. Орадан ўн кунча вақт ўтгач, талончилар ашёвий далил билан қўлга олинди.

Истеъфодаги милиция генерал-майори Тилла ака Абдуллаевнинг сермазмун ҳаётидан бундай воқеаларни кўплаб келтириш мумкин. Айни пайтда кексалик гаштини сураётган отахоннинг иккинчи жаҳон уруши ва кейинги даврдаги хизматлари ҳукуматнинг иккита ордени, ўнлаб медаллар, фахрий ёрликлар ва бошқа мукофотлар билан тақдирланган.

Тилла ака туйган ғурурни дунёга дoston қилмоқ мумкин. У Ватани, халқига хизмат қилгани, ҳозирда кексайганига қарамай одамларга нафи тегиб яшаётганидан фахрланади.

Урушнинг оловли йўлларини босиб ўтиб, Ватанимизга муносиб кадрлар тайёрлашга улкан ҳисса қўшган ардоқли генерал – Тилла Абдуллаев шу кунларда ўзининг муборак 80 ёшини нишонлапти. Биз фурсатдан фойдаланиб, генералнинг дўстлари, фарзандлари ва шогирдлари номидан Тилла акани табаррук ёшлари билан қутлаб, у кишига бардамлик, чинордек узок умр тилаб қоламиз.

Мурод ТИЛЛАЕВ.

ТИЛЛА АКА ТУЙГАН ҒУРУР

мат қилган “Смерш” контрразведка бўлинмаси жангчилари Украина, Польша, Чехословакия, Руминия, Германия худудларини озод қилишда фидокорона жанг қилдилар. Днепрни кечиб ўтиш пайтида Т. Абдуллаевга дарёнинг ўнг қирғоғидаги Кременчуг яқинига разведкага бориш вазифаси топширилди. У қуролдош дўстлари билан ўқлар ёғилиб турган дарёнинг нариги бетида қайиқда сузиб ўтди. Разведкачилар плацдармни эгаллагач, жангчилар понтон кўприги ўрната бошладилар.

Тилла аканинг ҳаётида рўй берган бундай воқеаларни кўплаб келтириш мумкин. Фахрийдан ўша алангали йиллар ҳақида гапириб беришни илтимос қилишганда кўз олдидан уруш лавҳалари ўта бошлайди.

...Хонадонлардан бирида душман билан отишма борарди. Зинадан оҳиста кўтарилаётган Тилла Абдуллаев юқорида немис офицери унга тўппончани тўғрилаб, тепкисини босганига кўзи тушди. Хайриятки,

– Яна бир эсдан чиқмайдиган воқеа бу отам билан фронтда учрашганимиз. Ўша кезлари уруш тугаган ва биз ғалаба билан юртимизга қайтаётган эдик. Аскарлар Польшанинг Познань шаҳрида тўхтади. Мен отам қаердадир ўқчи бўлиб жанг қилаётганини билардим. Кутилмаганда Германиядан, яъни у кишидан хат олдидим. Отам ўзи хизмат қилаётган гарнизон биздан 700 қақирим нарида эканлигини ёзган эдилар. Шу кунгача жавоб сўраб, йўловчи машинада бир кеча-кундуз деганда отамнинг ёнига етиб олдидим.

Тилла Абдуллаевнинг фронтдаги раҳбари тошкентлик Виктор Беловцев бўлиб, урушдан сўнг ички ишлар идораларида фаолият кўрсатаётган эди. Айнан у Туркистон ҳарбий округида хизмат қилаётган Тилла акага милицияга ишга ўтишни таклиф этди.

Шундан сўнг Тилла ака ўзи туғилиб ўсган жойларга келиб қолди. Дастлаб 1948 йили милиция капитани унвони билан Фарғона тумани мили-

шараф билан уддалади. У ўн йил давомида Сурхондарё вилояти ИИБга раҳбарлик қилди. Кейинги ўн йиллик хизмати Самарқандда ўтди. Т. Абдуллаев вилоят ички ишлар бошқармасини бошқарар экан, жиноятчиликнинг олдини олиш, содир этилганларини ўз вақтида фош этишга алоҳида эътибор берди. Айнан шу лавозимда ишлаётганида милиция генерал-майори унвонига сазовор бўлди.

– Бирда вилоят партия кўмитаси бюросининг мажлисида, – хотирлайди Тилла ака, – ўринбосарим Виктор Селиверстов менга хат узатиб юборди. Унда Жомбойдаги омонат кассасида талончилик рўй бергани, такси ҳайдовчиси ўлдирилгани ёзилган эди. Мен ўша захоти хатни вилоят партия кўмитасининг биринчи котибига узатдим. У “бораверинг” дегандек бош ирғади.

Қиш бўлгани учун атрофни қор босган, кун совуқ эди. Талончилар Самарқандда такси ёллаб, Жомбойга келишгани маълум бўлди. Ҳайдовчи гувоҳ бўлмасин,

деб уни ўлдиришган, жасадни эса каналга ташлаб юборишган экан. Талончилар эрта тонгда омонат кассага бостириб кириб, беш минг сўм пулни (ўша пайтда бу катта маблағ бўлган) олишади ва машинага ўтириб жўнаб қолишади.

Милиция ходимлари дарҳол Самарқандга кириш ва чиқиш йўллари тўсишди. Аммо машинани қўлга олишнинг иложи бўлмади. Буни қарангки, машинанинг давлат рақамини бир қизалоқ эслаб қолган экан.

– Шу қизгинанинг кўрғазмаси бизга асқотди, – дейди Тилла ака. – Жиноятчилар қўлга олинган, ўша қиз ўқийдиган мактабга бориб, тантанали вазиятда унга соат совға қилдик.

Агар жамоатчилик ходимлари жиноятларни очишда қийналадилар. Жомбойдаги омонат кассада рўй берган талончилик фош этилмай туриб яна бир ўғирлик содир этилгани ҳақида маълумот тушди. Жиноятчиларни излаш кутилган натижани бермади. Орадан уч ой ўтганда

Милициянинг машаққатли меҳнатида узок йиллар ишлаб суяги қотган, оддий милиционерликдан туман ИИБ бошлиғи лавозимигача кўтарилиб, эл ичида обрў-эътибор топган Наурўзбой Таумуротов истеъфода чиққач, Қорақалпоғистон республикаси ИИБ фахрийлар кенгашига раҳбарлик қила бошлади. Тарих фанлари номзоди Наурўзбой Таумуротов мустақиллигимизни мустаҳкамлаш йўлида бел боғлаб хизматга отланди. Кексаларни ҳам шунга даъват этмоқда.

– Фахрийларимиз мустақиллик буюк неъмат эканлигини амалда исботлашмоқда, – дейди Н. Таумуротов. – Масалан, Зайтжон Матниёзов Бўзатов тумани “Қарақалпақ” ширкат хўжалигидан ижарага ер олиб, боғ ва полиз маҳсулотлари етиштирмоқда. Рейипназар Хожаметов ва Жумамурот Атамуротовлар деҳқон-фермер хўжалиги тузиб, шоли, қорўзаклик милиция фахрийси Махсетбой Сапров “Қаршығалы” деҳқон-фермер хўжалигида бригада бошлиғи бўлиб ишлаб, мўл пахта ҳосили етиштирмоқда.

Бошқа фахрийларимиз эса ўз имкониятларидан келиб чиққан ҳолда милиция таянч



Фахрийлар – фахримиз

МИЛИЦИЯНИНГ ИШОНЧЛИ ТАЯНЧИ

пункти қурилишларида бўлиш, қурувчи ва ходимларга моддий ҳамда маънавий кўмак беришмоқда. Маҳалла посбонларининг сардори, маҳалла оқсоқоли лавозимларида ишлаб, осойишталигимизни таъминлаш йўлида милициянинг ишончли таянчи бўлиб келаётган фахрийларимиз ҳам кўпчиликни ташкил қилади. Масалан, истеъфодаги милиция ходимлари Ҳабибулла Раметов, Қувватбой Турдишев, Халмурот Маденов, Қодирберган Қиличев, Маммат Саттаровлар ўз яшаш жойларида маҳалла оқсоқолидирлар. Уларнинг ишидан аҳоли мамнун. Чунки бутун меҳнат фаолияти давомида

қонунга хурмат билан қараган бу инсонлар адолат тарозисини ҳамиша тенг ушлашади ва бу билан яхши ном қолдиришади.

Ҳукуматимиз ҳам милиция фахрийлари фаолиятига муносиб баҳо бермоқда. Уларнинг дам олиш, даволаниш ҳамда яхши яшашлари учун имтиёз ва имкониятлар яратиб берилмоқда. Масалан Қарияларни кадрлаш йилида Нукус туманида жойлашган ИИБ профилактория-санаторийси қайта таъмирланиб, ишга туширилиши фахрийларга катта қулайлик яратди.

Н. Таумуротов ўн бир йилдан буён Қорақалпоғистон Республикаси ИИБ фахрийларига бевосита раҳбарлик қилиб келмоқда. Кексалар йиллар давомида тўплаган тажрибаларини ёшларга ўргатишга ярапти, ибратли ишлари билан уларга намуна бўлишга ярапти.

Д. ХУДОЙШУКУРОВ.

Суратда: истеъфодаги милиция подполковниги Н. Таумуротов фахрийлар билан суҳбатлашмоқда.

Муайяф олган сурат.

Жиноят ва жазо

Фарзандига “шукрли бўлгин болам”, дея ўғит бераётган отани тушунса бўлади. Чунки ношукр кишигина ўз бошига гавғолар сотиб олади ёхуд маломат тошлари отилиши, шаъни, шуури, қадр-қиммати поймол этилишига олиб келади.

Ҳаётда ҳар бир кишига Яратганининг ўзи инсоф бермаса қийин экан.

НОШУКРЛИК ОҚИБАТИ

К. Эрка 1984 йили Жиззах вилоятида туғилган. Жиноий шериги А. Обид билан ўзаро тил бириктириб Қ. Моҳиранинг ҳовлисидан 2 бош қорамолини ўғирлаб кетади. Бу ишни ими-жимиди амалга оширганидан кўрақ кериб юрган бу нотавонлар ўзларича “танаффус”га чиқишди.

– Мана, ишни ўринлатганимизга ҳам 2,5 ойдан ошди, – деди Эрка ҳамтовогини ёнига чақириб. – Ҳаммаси хамирдан қил суғургандек силлиқ кетяпти. Ҳеч ким бизни ўғирликда гумон қилмади. Бас, шундай экан танаффус тамом. Менда битта режа бор. Бир муассаса қоровули қорамолларни боғда боқиб юради. Шу ерга бориб келишимиз керак. Мол кимники бюрганники-да!

Ҳа, “ўрганган кўнгил ўртанса кўймас”, деганларидек уларнинг кўнгли яна мол ўғирлашни тусаб қолди.

... Жиззах вилояти Иттифоқ маҳалласида жойлашган иссиқлик манбаи ёрдамчи хўжалиги худудида боғбон М. Тўйчининг жасади топилди. Унинг ўғли У. Фа-

рид эса боши ва елка қисмларига ўтмас жисм билан уриб етказилган жароҳати туфайли оламдан ўтган эди.

Воқеа жойига етиб келган вилоят ички ишлар бошқармаси ходимлари атрофни синчковлик билан кўздан кечирдилар. Дастлабки суриштирувлар давомида ўғрилар қоровулнинг 6 бош қорамолини ўмариш мақсадида мазкур қотилликни содир этганлигига ҳеч қандай шубҳа қолмади. Олиб борилган чора-тадбирлар натижасида мазкур жиноятга қўл урган Қ. Эрка ва А. Обидлар ушланди.

Шундай қилиб, жиноят содир этган кимсаларнинг қилмиши фош этилди. Улар қонун олдида жавоб беришлари аниқ. Бироқ масаланинг иккинчи томони ҳам бор. Газандалар ўзгаларнинг тинчини бузиб, қанчалар моддий ва маънавий зарар етказишгани, қолаверса, бир кексанинг умрига зомин бўлишганини билишарми-кан? Жиноятга жазо муқаррар. Ҳаётнинг ана шу оддий ҳақиқатини унутганлар янглишиши турган гап.

Ш. АНВАРОВ,
милиция лейтенанти.

Чортоқ шаҳрида истиқомат қилувчи вояга етмаган Илёс Норматов бир ярим ой ичида учта жиноят содир этди.

Бўш вақтини асосан кўчада ўтказишга ўрганиб қолган Илёс шу йил апрель ойида содир этган ўғирлик жинояти учун суд томонидан бир йил синов муддати билан “сийланган” эди. Аммо, у бундан ўзига тегишли хулоса чиқармади. Кўчада одатдагидек назоратсиз юганида Чортоқ шаҳри бозори олдида турган Тошпўлат Мирзаевга тегишли автомашинага кўзи тушади. Дарҳол “чаққон” қўлларини ишга солиб, машинанинг эшигини очади. Салонда турган костюм чўнтагидан 35000 сўмни “шумо”

ЁШЛАРГА САБОҚ БЎЛСИН

қилади. Наманган шаҳрига бориб, ўз эҳтиёжи учун ўғирланган пулдан 15000 сўмини сарфлайди. Қолган 20000 сўми эса уйига қайтиб борганида онаси ундан тортиб олади ва пулнинг эгаси бўлмиш Тошпўлат ака Мирзаевга қайтариб беради. Илёс бундан “ранжиб” учинчи жиноятга қўл уради.

У шаҳардаги дўконларнинг бирига форточка орқали киради ва гуруч, шакар, пахта ёғи каби озиқ-овқат маҳсулотларини олиб чиқиб кетаётган вақтда қўлга тушади.

– Вояга етмаган Илёс Норматов содир этган жиноятлар

атрофлича ўрганиб чиқилди, – дейди Чортоқ шаҳар ИИБ ТБ терговчиси, милиция катта лейтенанти А. Акбаров. – Унинг жиноят содир қилишида қайсидир маънода жамоатчилик ҳам айбдор, деган хулосага келдик. Чунки уни бирор киши, чунончи ота-онаси фойдали меҳнатга жалб қилмаган. Оилавий муҳитнинг салбий таъсири ва ўйламай қилинган ноҳўя хатти-ҳаракат натижасида кишининг юзи шувут бўлиб қолиши мумкин. Буни ҳеч ким, айниқса ёшлар унутмасликларини жуда-жуда хоҳлардик.

С. ҚОСИМОВ.



Қашқадарё вилояти ИИБ ва ППХ ЖТС бошқармасига қарашли патруль-пост хизмати бўлинмаси ходимлари жамоат тартибини сақлаш мақсадида кеча-ю кундуз хизмат қилмоқдалар. Бу йил бўлинмага вазирлик томонидан 8 та енгил автомашина ажратилгани ходимларни янада руҳлантирди. Улар вилоят худудида ўтказиладиган ҳар бир тад-

бирда иштирок этиб, ҳуқуқбузарликнинг олдини олишда фидойилик кўрсатмоқдалар.

Суратда: бўлинма сардорининг ўринбосари, милиция катта лейтенанти Баҳодир Раффов милиция сержантлари Низом Кенжаев ва Воҳид Шоймардонов билан келгуси ишларни режалаштирмоқда.

Э. МИРЗАЕВ олган сурат.

ФИРИБГАР ЖАЗОДАН ҚУТУЛОЛМАДИ

Жиноят қидирув бўлинмаси ходимлари кўп қиррали вазифаларни бажарадилар. Шулардан асосийларидан бири – суд ва тергов идораларидан қочиб юрган шахсларни топишдан иборатдир. Қидирув ишлари баъзан бир неча йилга чўзилиши мумкин.

– Бу воқеа етти йиллик тарихга эга, – дея ҳикоя қилади Навоий вилояти ИИБ ЖК ва ТҚКБ қидирув бўлими бошлиғи, милиция майори Ш. Ризаев. – М. Гарник 1994–1995 йилларда “Эдем” фирмасининг бош директори муовини лавозимида ишлаган. Аммо уни ҳалол ишбилармон дейиш қийин эди. Шу қисқа вақт ичида мансаб ваколатини суиистеъмол қилиб, шунингдек, очикдан-очик фирибгарлик йўли билан саккиз миллион сўм пулни ўзлаштирди. Найранги фош бўлганда эса яна жиноий “қобилияти”ни ишга солиб, пулларни олиб изсиз йўқолди.

Ушбу ҳолат юзасидан Зарафшон шаҳар прокуратураси Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 168-моддаси 4-бандига кўра (фирибгарлик) жиноят иши кўзгади. Фирибгарни топиб қўлга олиш учун барча материаллар бизга юборилди. Зудлик билан қидирув ишлари бошлаб

юборилди. Жойларга унинг ҳақида маълумотномалар жўнатилди, Гарникнинг хизматдошлари, қариндошлари, таниш-билишлари билан суҳбатлар ўтказилди. У бориши эҳтимоли бўлган жойлар текшириб кўрилди. Аммо барча уринишларимиз анчагача бирор натижа бермади.

Фақат шу йил августига келиб умид учкуни йилт этгандай бўлди. Қочоқ фирибгарнинг изи Қозоғистондан чиқиб қолди. Қозоғистонлик ҳамкасбларимиз М. Гарник гайриқонуний ишлари учун вақтинчалик сақлаш ҳибсхонасига жойлаштирилганлигини бизга хабар қилишди. Тез орада у давлатларимиз ўртасида тузилган амалдаги битимга кўра Ўзбекистон Республикасига жўнатилди ва одил суд қўлига топширилди. Етти йил қочиб, яшириниб юргани билан фирибгар ҳақли жазодан қочиб қутула олмади.

А. СТЕПАНОВ.

ЭЪТИБОРСИЗЛИК ОҚИБАТИ

Бир кишининг эътиборсизлиги, шошқалоқлиги кўпдан-кўп фожияли воқеаларни келтириб чиқаради. Шеробод тумани табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси раиси Шамсиддин Содиков “Тико” русумли автомашинасини бошқаришда қонун-қоидаларга риоя қилмади. Шу боис қарама-қарши томондан келётган Ўткир Баҳромов бошқарувидаги “Тико” билан тўқнашди.

Натижада Ш. Содиков ҳаётдан кўз юмди, иккинчи “Тико” ҳайдовчиси ва уч йўловчи оғир тан жароҳати олиб, касалхонага тушди.

ҚОТИЛ ЭР

Термиз туманидаги Гулистон маҳалласида яшовчи М. Мамарасул кишлоқдошлари орасида сулланган, деган ном чиқариб улгурган. Эндиликда хотинининг қотилига айлангани учун онасиз қолган фарзандларининг қаҳрли нигоҳини ҳам ҳис қилиб турса керак. У турмуш ўртоғининг бош қисмига офтоба билан уриб, ҳаётига зомин бўлди. Жаҳлини тия олмаган М. Мамарасул яна панжара ортига кетиши аниқ.

С. НОРМУРОВОВ,
милиция майори.

БЕДАРАК ЙЎҚОЛГАН

Тошкент шаҳар Юнусобод тумани ИИБ томонидан Галина Евгеньевна Перегудова бедарак йўқолганлиги учун қидирилмоқда.

1947 йилда туғилган. Тошкент шаҳри Юнусобод тумани Юнусобод-15 мавзеси 81-уйнинг 11-хонадонида яшаган. 2002 йил 21 апрель кунини уйдан чиқиб кетиб, қайтиб келмаган.

Белгилари: бўйи 160-165 см, қоши ёйсимон, сийрак, юзи чўзинчоқ, сочлари оқ, калта, бурни тўғри, лаблари юпқа, қўлоқлари ёпишиб туради, ияги кичкина.

Алоҳида белгиси: ясама тишлари бўлгани учун чучукланиб гапирди.

Кийимлари: эгнида қора юбка, кофта, оёғида резина шиппак бўлган.

Галина Перегудовани кўрган ёки қаердалигини билганлардан яқин орадаги милиция бўлимига хабар беришларини сўраймиз.



Мафкура ва тарбия

Гояга қарши фақат гоя, фикрга қарши фақат фикр, жаҳолатга қарши фақат маърифат билан баҳсга киришиш, курашиш мумкин. Давлатимиз раҳбарининг ушбу кўрсатмаси моҳиятини чуқур англаган ҳолда хизмат фаолиятимизни ташкил этишимиз. Хусусан, маҳкумларни қайта тарбиялашда бу бизга дастуриламал бўляпти. Адиз Мардонов бошчилик қилаётган жазони ижро этиш муассасасини бу борада тажриба маскани сифатида танладик.

ўтаётганлар учун яратилган шарт-шароитлар билан яқиндан таништирилди. Айниқса, конституцион тузумга қарши курашган маҳкумларнинг қариндошларига алоҳида эътибор берилди. Улардан бири: “Фарзандим ҳар келганимда бу ердаги ҳаётдан нолиб, мени шикоят ёзишга ун-

ларга кўмаклашув гуруҳлари тузилган. Муассаса жамоа кенгаши қошида маънавият ва руҳият бўлини маси тузилди. Унинг раҳбари, маҳкум О. Асқаровнинг хизматини алоҳида таъкидлаш керак. У дин аҳкомларини мукамал билгани учун бу борадаги ҳар қандай саволга пишиқ-пухта жавоблар қайтариб, айрим

оқимларга қўшилиб қолганларнинг адашишлари таҳлил қилиб кўрилди. Маълум бўлдики, уларнинг кўпчилиги араб тилини билмаган, натижада “устоз”ларининг гапига лаққа ишониб кетаверишган. Миллий мафкурамиз тамойилларидан беҳабарлик ҳам уларга салбий таъсир этган. Буни қисман собиқ коммунистик мафкура таъназулга учрагач вужудга келган гоявий бўшлиқ билан ҳам изоҳлаш мумкин. Юртимиздаги тузумни куч билан ўзгартиришни ўзларига мақсад қилиб олган турли хил гуруҳлар ёшларимизнинг диний билимларга қизиқишларидан фойдаланишган. Улар намоз ўқишни ўргатиш баҳонасида ўзларига эргашганлар онгига Куръон номи билан турли диний оқимларнинг зарарли гояларини сингдиришга киришишган.

ЖАҲОЛАТГА ҚАРШИ МАЪРИФАТ БИЛАН

ишларни ҳам алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим. Маҳкумларнинг фикри, дунёқараши ижобий томонга ўзгармоқда. Жумладан, яқинда бир қанча маҳкумлар муассаса маҳкумлари жамоаси олдида ўз қарашлари католигига иқдор бўлиб, қилмишларидан астойдил пушаймонликларини изҳор этишди, Президентимиз ва халқимиздан кечирим сўрашди.

Қуйида ана шундай инсонлардан бирининг умр йўлдоши муассаса бошлиғига ёзган миннатдорчилик хатидан парча келтиришни лозим топдик.

“Ота-оналаримиз ҳам, ўзим ҳам ўн йилдан буён уриниб хўжайинимни ваҳобийлик таъсиридан қайтара олмаган эдик. Кўзи кўр, дили қулф бўлиб қолган бу одамни тўғри йўлга солганингизни унинг бизга йўлаган хатидан билиб, гўё учиб келдим: Сиз оиламизга болаларимнинг отасини қайтариб бердингиз. Бу яхшилигингизни бир умр унутмаймиз” — дейилади мактубда.

Тарбия соатига маҳкумларнинг ота-оналарини, рафиқалари ва фарзандларини кенг жалб этдик. Улар муассасада жазо

лар эди. Шарт-шароитни ўз кўзим билан кўрдим. Бола мени чалғитаётган экан. Энди нолиганидан фойда йўқ. Жиноятига яраша жазосини олиши адолатдандир”, — деди.

Биз ўз фаолиятимизда маҳкумлар жамоасига ҳам суянгиларимиз. Ҳар бир туркумда тушунтириш ишларини олиб борувчи-

йўлдан адашганларнинг билим-сизлигини ошкор этипти.

Изланишларимиз самараси ўлароқ, маҳкумлар ўртасида тартиббузарлик тўла барҳам топди. Улар жамоа ишида фаол қатнашибгина қолмай, балки ишлаб чиқаришда ҳам яхши самараларга эришишяпти.

Турли диний-экстремистик



Ана шундай вазиятларда йўлдан адашган кишиларни қайта тарбиялаб жамиятга қайтариш муҳим вазифадир. Тажрибалар шунини кўрсатяптики, уларни тўғри йўлга солиш мумкин. Гарчи бу игна билан қудуқ қазишдек оғир ва машаққатли жараён бўлса ҳам. Шу ўринда бу борадаги бир таклифни олға сурмоқчиман. Менимча, тажриба тариқасида мазкур муассасада диний-экстремистик оқимларга мансуб маҳкумларни тўғри йўлга бошлаш билан шуғулланувчи мутахассис лавозимини жорий этиш керак. Обрў-эътиборини мустаҳкамлаш учун унга бошлиқ муовини мақоми берилса яхши бўларди. Ушбу лавозимга катта ҳаётий тажрибага эга, диний ва дунёвий илмларни мукамал эгаллаган, зукко, теран мулоҳазали, одамларга гап-сўзи билан ўз таъсирини ўтказа оладиган кишини тайинлаш лозим. Ушбу тажриба ўзини оқласа, бутун республикага ёйиш мумкин бўларди. Бу иш кўп маблағ талаб қилмайди, айти пайтда катта самара беради, деб ўйлайман.

М. БОБОҚУЛОВ,
ички хизмат полковниги.

ШИКОЯТ ВА ДАЪВОЛАРИНГИЗ БЎЛСА ШОШИЛИНГ!

Тошкент шаҳар ИИББ Тергов бошқармасида “Кувасой воқеа” масъулият чекланган жамияти раҳбарлари Нигина Самибоева ва Алишер Мардоновларга нисбатан кўзгатишган жиноят иши текшириляпти. “Кувасой воқеа” МЧЖ “Омад қувончи” телевизион лотереяси-

ни тайёрлаш, тарқатиш ҳамда ўйинларни ўтказиш билан шуғулланган.

Ҳозирги пайтда фирма раҳбарлари Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 167 (ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож қилиш) ҳамда 168 (фирибгар-

лик) — моддалари бўйича жиноий жавобгарликка тортилган, жамият фаолияти тўхта-тилган. Иш бўйича тергов муддати тугаяпти. Шу муносабат билан барча шикоят ва даъво-лар бўйича жорий йилнинг 30 октябригача Тошкент шаҳар ИИББ Тергов бошқармасига (С. Азимов кўчаси, 87) катта терговчи Р. Жўраевга ёки 56-95-54, 56-98-75 телефонлар орқали мурожаат қили-шингизни сўраймиз.

ТЕРГОВГА КЎМАКЛАШИШИНГИЗНИ СЎРАЙМИЗ

Ўзбекистон Республикаси ИИБ Тергов Бош бошқармаси томонидан юритилаётган жиноят иши бўйича Анна Вячеславовна Боровская, Наталья Алексеевна Маслова ва бошқалар 2001 йил декабрь ойидан 2002 йил июль ойига қадар Тошкент шаҳри ҳамда Самарқанд вилояти ҳудудларида яшовчи бир қанча фуқароларни чет элга

ни аниқланган. Бунинг оқибатида алданган фуқаролар чет элда иш ва яшаш жойи билан таъминланмаган, шунингдек уйларига қайтиб келолмай сарсон бўлиб юришган.

Мазкур жиноят иши бўйича дастлабки терговни ҳар томонлама тўлиқ олиб борилишини таъминлаш ҳамда терговга кўмаклашиш мақсадида ҳозирги кунга қадар Анна Вячеславовна Боровская ва Наталья Алексеевна Масловадан жабр кўрган фуқаролар Ўзбекистон Республикаси ИИБ Тергов Бош бошқармасига мурожаат қилишларини сўраймиз.



МУРОЖААТ УЧУН ТЕЛЕФОНЛАР:

Тошкент шаҳридан — 139-72-58, 59-26-28.

Ўзбекистон Республикаси ИИБ руҳсатномалар бюросидан — 32-58, 46-28.

ҲУҚУҚШУНОС ЖАВОБ БЕРАДИ

Бу йил олий ўқув юртига сиртдан ўқишга кирдим. Декабрь ойида қишки сессия бўлади. Айтинг-чи, мен ишлаб турган корхона неча кун давомида ўқув таътили бериши керак?

Д. Ҳалимова,
Анджсон вилояти.

ЖАВОБ: Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси XIV бобининг бир неча моддаларида ишни таълим билан бирга қўшиб олиб бораётган шахслар учун бериладиган имтиёзлар белгиланган. Олий ўқув юртларида ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда таълим олаётган ходимларга бериладиган ўқув таътиллари мuddати ўқув курси ва бошқа ҳолатларга боғлиқ. Бу таътиллари икки гуруҳга бўлиш мумкин. Улардан биринчисининг мuddати олий ўқув юртидаги ўқув шакли (кечки ёки сиртқи)га боғлиқ бўлган таътиллари ташкил этади. Бу гуруҳга лаборатория-имтиҳон сессиясида қатнашиш даври учун бериладиган таътиллари кирди. Иккинчи гуруҳ эса битирув имтиҳонларини топшириш, диплом лойиҳасини ёқлаш даври шунингдек диплом лойиҳасига материаллар

тўплаш учун бериладиган ўқув таътиллари иборат. Бу таътиллари мuddати ўқув шаклига боғлиқ бўлмайди.

Олий ўқув юртларида ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда сиртдан таълим олаётган талабалар учун ўртача иш ҳақи сақланган ҳолда ҳар йили қуйидаги мuddат билан ўқув таътиллари берилди:

— биринчи ва иккинчи курсларда таълим олаётганлар учун — камида 30 календарь кун;
— учинчи ва кейинги курсларда таълим олаётганлар учун — камида 40 календарь кун.

Шунингдек ходим олий ўқув юртида ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда таълимнинг кечки ёки сиртқи шаклида билим олаётганидан қатъи назар, битирув имтиҳонларини топшириш даврида унга ўртача иш ҳақи сақланган ҳолда камида 30 календарь кун мuddат билан диплом лойиҳасини тайёрлаш ва ёқлаш даврида тўрт ой мuddат билан ўқув таътиллари берилди.

Бундан ташқари, олий ўқув юртларининг охириги курсларида (ҳам кечки, ҳам сиртқи шаклда) ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда таълим олаётган ходимларга диплом лойиҳасига материаллар тўплаш учун иш ҳақи сақланмаган ҳолда 30 календарь кун мuddат билан таътил берилди. Бу таътил даврида талабаларга умумий асосларда стипендия тайинланади.

Ҳуқуқшунос Г. МУРОДОВА
тайёрлади.



«САНЪАТНИ СЕВАМАН»

— дейди суҳбатдошим лейтенат Толиб Раҳимов. — Муддатли хизматга келганимдан сўнг ҳарбий соҳага иштиёқ пайдо бўлди. — Мана ҳозир ҳарбийлик чинакам касбимга айланган. Лекин санъатни ҳам унутолмайман. Эҳтимол, ёшликдаги ҳавас бўлгани учундир. Билмадим. Хизмат даврида ҳарбий оркестрда яратилган шароит, яна, санъат билан шуғулланишимга имконият яратди. Бўш вақтларимда у ерга бориб, мусиқачиликка оид амалий билимимни оширишга ҳаракат қилдим.

— Ёшлигида шўх, ҳамма нар-

сага қизиқувчан бола эди. Қачон қараманг, кўшиқлар хиргойи қилишдан тўхтамасди, — дейди онаси Саноат ая.

Тўнғич ўғил бўлгани учунми, шу фарзандига меҳри ўзгачароқ бўлган Рўзиқул ота унинг ўқитувчи бўлишини хоҳларди. Мактабни яхши баҳоларга битирган Т. Раҳимов отаси айтганидек, педагогика билим юртига ўқишга кирди. 1993 йил билим юртини муваффақиятли тамомлаб, тумандаги 52-ўрта мактабда иш фаолиятини бошлади. Қисқа вақт ичида ўқувчилар севган муаллим-

га айланди. Мактабда ундан яхши мусиқа асбоби чаладиган, ундан ўтиб кўшиқ ижро этадиган ўқитувчи топилмасди. Шу боис, мактаб директори ўтказиладиган ҳар бир кечанинг бадий қисмини тайёрлашни унга топширарди.

1995 йил апрель ойида Толиб ҳарбий хизматга жўнади. Ҳаш-паш дегунча муддатли хизматни ҳам тамомлади. Эндиликда шартнома бўйича давом эттиришга қарор қилган Т. Раҳимов, ота-она кўнглига йўл топиб, уларнинг розилигини олди.


Жамоа сардори офицер Ш. Ҳожиёвнинг кўрсатмаси билан аскарлар дам олиш кунлари, байрамларни кўтаринки руҳда ўтказиш учун уюштирилаётган концертларда кўшиқлар айтаман. Биласизми, санъат бор жойда ҳеч қачон ёвузлик бўлмайди, аксинча яхши кайфият, эзгу мақсадлар ҳукм суради. Ҳарбийлар орасида ҳақиқий истеъдодлар бор. Лейтенант Толиб Раҳимов ҳам шундайлар сирасидан. Уни икки соҳани эплаган, ҳавас қилса арзигулик офицер деб биламан. Бу унвон унга гуруҳ сардори этиб тайинлангандан сўнг берилганди. Ҳозирда бўлинма сардорининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари вазифасида хизмат қилиб келмоқда. Кўп йиллик тажрибаси ҳамда ҳарбий билим савияси етарли эканлигига унинг кўл остида хизмат қилаётган аскарлар билан бўлган суҳбатда яна бир бор ишонч ҳосил қилдим. У ҳар бир аскарнинг ички дунёси, руҳияти билан боғлиқ ҳолатларни тўғри тушуниб, амалий ёрдам беради. Айниқса унинг жанговар хизматда қўтилган натижага эришиб келатгани қувонарли ҳол. Эл-юрт тинчлиги, осойишталиги йўлида хизмат қилаётган Т. Раҳимов сингари ҳарбийларни омад ҳеч қачон тарк этмасин.

Х. САЛИМОВ.

ЦИКЛОКРОССВОРД

1. Молия муассасаси. 2. Ўрта асрда Мовароуннахрда асарлар ёзилган тил. 3. "Шашмақом" таркибидаги мақом. 4. Улуғ даргоҳ. 5. Денгиздаги қуруқлик. 6. Тишли асбоб. 7. Тантанали кеча. 8. Хат. 9. Давлатнинг иккинчи давлатга билдирган норозилик ҳужжати. 10. Эстрада гуруҳи. 11. Мўғулистондаги чўл. 12. Эркалар исми. 13. Волидалар кўшиғи. 14. Италия сайёҳи. 15. Тожикистондаги дарё. 16. Германиядаги шаҳар. 17. Европадаги пойтахт. 18. Ҳинд аёллари либоси. 19. "Пепси...". 20. Африкадаги давлат. 21. Мақолдан: "... азиз, одоби ундан азиз". 22. Нест-нобуд. 23. Истак. 24. Ижод соҳаси. 25. Хўл мева. 26. Билим соҳиби. 27. Ёмон баҳо. 28. Газлама ашёси. 29. Марварид. 30. Лоҳас. 31. Идиш. 32. Бешиш. 33. Ладога кўлига қуйилувчи дарё. 34. Пойабзалчилик ашёси. 35. Тикув машиниси галтаги. 36. Эквадор давлати пойтахти. 37. Кабо-Верде мамлақати маркази. 38. Чаҳорёрлардан бири. 39. Бадий ижод соҳаси. 40. Газ модда. 41. Гуллаган маскан. 42. Аланга. 43. Ҳамид Олимжоннинг "Муқанна" драмаси қаҳрамони. 44. Қадимда фойдаланилган ҳисоб тахтакачи. 45. Тигли асбоб. 46. Ҳафталик нашр. 47. Мангулик. 48. Шашт. 49. Физик зарра. 50. Нарх. 51. Баҳор гули. 52. "... — мошиқ". 53. Сайланган шахс. 54. Сазовор, арзийдиган. 55. Хўл мева. 56. Ширинлик. 57. Раҳбарлик лавозими. 58. Волга ирмоғи. 59. Иноқ. 60. Судралик юривчи. 61. Қуритилган ҳосил. 62. Жуфт рақам. 63. Давра кўшиғи. 64. Доим яшил дарахт. 65. Галла экини. 66. Болтиқ бўйидаги давлат пойтахти. 67. Торнинг акси. 68. Ёпишқоқ ашё. 69. Ёқилғи. 70. Камар қисми. 71. Ёзув. 72. Насия эмас. 73. Исм. 74. Темир йўл тўси. 75. Мусиқа асбоби. 76. Бадий асар тури. 77. Қишлоқ ҳўжалиги асбоби. 78. Африкадаги мамлакат. 79. Автомобиль маркази. 80. Перу пойтахти. 81. Куч ўлчови. 82. Ўзбек халқ мақоми. 83. Ҳажм ўлчови. 84. Оқил, билимдон. 85. Шабада. 86. Россия автомобили маркаси. 87. Африка ғарбидаги давлат. 88. Пойтахти — Гавана. 89. Чавандозлик мусобақаси. 90. Илм соҳиби. 91. Қазилма ёқилғи. 92. Кинолентадаги ёзув. 93. Мамнун. 94. Гулқоғоз. 95. Урф. 96. Электрод. 97. Иморат. 98. Яхна тоом. 99. Обрў-этибор.

Ф. ОРИПОВ тузди.



ГАЗЕТАМИЗНИНГ ЎТТАН СОНИДА БЕРИЛГАН ЧАЙНКРОССВОРДНИНГ ЖАВОБЛАРИ:

1. Ока. 2. Анор. 3. Рақ. 4. Кўз. 5. Зирк. 6. Корт. 7. Тайм. 8. Мурч. 9. Чарх. 10. Халқ. 11. Қон. 12. Ниш. 13. Шарф. 14. Флот. 15. Тир. 16. Рух. 17. Ҳинд. 18. Дори. 19. Ион. 20. Нон. 21. Нота. 22. Араб. 23. Банк. 24. Кран. 25. Ноиб. 26. Бугу. 27. Узр. 28. Ром. 29. Мато. 30. Оғиз. 31. Зог. 32. Фоз. 33. Зонд. 34. Диск. 35. Кит. 36. Тин. 37. Ному. 38. Усул. 39. Лаъл. 40. Лада. 41. Арча. 42. Аякс. 43. Сўк. 44. Кўк. 45. Кюри. 46. Икар. 47. Раул. 48. Лўли. 49. Из. 50. Зонр. 51. Рим. 52. Мода. 53. Авж. 54. Жиян. 55. Нозу. 56. Удум. 57. Милк. 58. Крем. 59. Мард. 60. Дон. 61. Нав. 62. Вена. 63. Арз. 64. Зеро.

Тошкент шаҳар ИИББ раҳбарияти ва шахсий таркиби Ўзбекистон Республикаси Президенти Девонининг масъул ходими Баҳодир Мағдиев ва Тошкент шаҳар ИИББ Тергов бошқармаси бўлим бошлиғининг ўринбосари, милиция подполковниги Фарҳод Мағдиевга падари бузруквори
Мирходи хожи МАГДИЕВнинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдирадилар.

Хоразм вилояти ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби ИИБ ахборот маркази бошлиғи, милиция подполковниги А. Матризаевга падари бузруквори
ИБРОҲИМ отанинг вафот этганлиги муносабати билан таъзия изҳор этадилар.

Ўзбекистон Республикаси ИИБ ППХ ва ЖТСББ раҳбарияти ҳамда шахсий таркиби Бош бошқарма катта инспектори, милиция подполковниги А. Ашуровга падари бузруквори
Сотиболди АШУРОВнинг вафот этганлиги муносабати билан ҳамдардлик билдирадилар.

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI IV BIRLASHGAN TAHRIRIYATI

MANZILIMIZ: 700029, Toshkent, Yunus Rajabiy ko'chasi, 1

Gazeta haftaning payshanba kunlari chiqadi.

Bosh muharrir Shuhrat MURODOV

Bosh muharrir o'rinbosari v.b. Murod TILLAYEV

Mas'ul kotib R. BERDIYEV
 Navbatchi: S. SHODIYEV
 Musahhihlar: M. AKRAMOVA, G. XOLIQOVA

Sahifalovchi: Z. BOLTAYEV

TELEFONLAR:

Bosh muharrir o'rinbosari 139-75-69.
 Kotibiyat 139-73-88
 muxbirlar bo'limi 139-75-69.
 Buxgalter 139-75-37.
 Faks 54-37-91.

Gazeta tarqatish masalalari bo'yicha murojat uchun faks: 54-37-91
 Tel.: 59-23-08

E-mail: urmvd@globalnet.uz

Bizning hisob raqamlarimiz «Ipk yo'li» aksiyadorlik investitsiyaviy tijorat bankinging Mirzo Ulug'bek bo'limi. Hisob raqami: 20210000700447980001, MFO 00421.

• Ko'chirib bosishda «Postda»dan ekanligini ko'rsatish shart
 • Muallifning mulohazasi tahririyat fikriga mos tushmasligi mumkin.
 • Qo'lyozmalar tahlil qilinmaydi va qaytarilmaydi.

Gazeta O'zbekiston Respublikasi Davlat matbuot qo'mitasida 00007 raqam bilan ro'yxatga olingan Buyurtma Г — 945. Hajmi — 4 bosma taboq. Bosilish — ofset usulida.

Bosishga topshirish vaqti — 19.00.
 Bosishga topshirildi — 19.00.

Obuna raqamlari: Yakka tartibda — 180 Tashkilotlar uchun — 366

40.772 nusxada chop etildi.

«SHARQ» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.

Korxonalar manzili: Buyuk Turon ko'chasi 41-uy.

1, 2, 3, 4, 5, 6.